

Шавкат Мирзиёев:  
«Ҳеч қачон фермерни  
камситмаймиз»

05

“IFODA” ПРЕПАРАТЛАРИ  
ХАЛҚАРО  
ЯРМАРКАДА

22

“IFODA” АГРАР СОҲАГА  
ИННОВАЦИЯЛАР  
КИРИТИШ БИЛАН  
МАШҒУЛ

23

PDF Compressor Free Version

 **IFODA**  
*Birgalikda yetishtiramiz!*

**“Ifoda Agro Kimyo Himoya”**

компаниясининг ўсимликларни химоя қилиш  
воситалари ва ўғитлар ишлаб чиқариш  
заводи тўла қувватда ишга туширилди

10

#2 | 01-02•2020

Агрожурнал

[www.ifoda.uz/magazine](http://www.ifoda.uz/magazine)

“IFODA” БИЛАН  
**100**  
ЦЕНТНЕР  
38-бет



журналимизда  
**ВИДЕО**  
3-бетда

**IFODA**  
agro kimyo himoya

**PDF Compressor Free Version**

**Birgalikda yetishtiramiz!**  
**Вырастим вместе!**  
*We grow together!*

**ЮҚОРИ СИФАТ,  
МЎЛ ҲОСИЛ ВА  
САМАРАДОРЛИК**

**IFODA**  
agro kimyo himoya

 [t.me/ifodaagroconsulting](https://t.me/ifodaagroconsulting)

 [t.me/ifodabogdorchilik](https://t.me/ifodabogdorchilik)

 [www.ifoda.uz](http://www.ifoda.uz)

 **78 147 05 00**



Журнал икки ойда бир марта  
чоп этилади.

PDF Compressor Free Version

# Мундарижа

январь – февраль 2020 йил  
2 - сон

## Журнал таъсисчиси:

*"Ifoda Agro Kimyo Himoya"*  
масъулияти чекланган жамияти

## Бош директор:

*Қодирбек Мирзамаҳмудов*

## Бош муҳаррир:

*Muhammet Sedat Kolcuoğlu*

## Таҳрир ҳайъати:

*Бобур Миразизов  
Фазлиддин Ибрагимов  
Элёр Убайдуллаев  
Эрали Норбеков  
Сардорбек Хайдаров  
Дилафруз Шамсиддинова*

## Фотосуратчи:

*Абзал Аскарлов*

## Ташкиллаштирувчи масъул:

*Аброр Раҳмонқулов*

## Саҳифаловчи дизайнер:

*Хамза Жумандурдиев*

## Агрономлар:

*Алишер Маматвалиев  
Дилшод Жўраев  
Икром Жўраев  
Женгиз Ялчин  
Ахмет Сунар  
Хакан Накиш*

## Маслаҳатчилар:

*Дониёрбек Муллабаев  
Дилафрўз Шамсиддинова*

## Агроном консультант:

*Muhammet Sedat Kolcuoğlu*

## Манзил:

*Наманган шаҳар  
Оромгоҳ кўчаси 27  
+998 78 147-05-00  
info@ifoda.uz  
@ifodaagroconsulting  
www.ifoda.uz*

- 05 Шавкат Мирзиёев: " Ҳеч қачон фермерни камситмаймиз"
- 06 Кластерлар фаолиятини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди
- 08 Сифатли ҳосил – юқори даромад.
- 10 "IFODA" Заводи: тўла қувватда кенг имконият
- 18 Ўзаро ҳамкорлик – муваффақият гарови
- 20 Боёвутда амалий семинар ташкил этилди
- 22 "IFODA" препаратлари халқаро ярмаркада
- 24 Лаборатория тажрибасидан даладаги ҳосилгача...
- 25 Пахтачининг пахтаси – 60 центнер тепаси
- 26 "IFODA" Аграр соҳага инновациялар киритиш билан машғул
- 28 Иссиқхоналарда феромоннинг фойдаси
- 30 Кўчат экишда нималарга эътибор бериш керак?
- 32 Томчилатиб суғориш – тежамкорлик омили
- 34 Кузги тунламга қарши кураш чоралари
- 36 Юқори ҳосилдорликка қаратилган замонавий технологиялар
- 39 "Ҳамкорликда ҳикмат кўл"
- 42 Пахтачилик соҳасида янгича ёндашув
- 44 Деҳқон одам дон сочар, эл-юртига нон сочар
- 46 Галладан юқори ҳосил олиш дастури
- 48 Яхши дам – меҳнатга ҳамдам

PDF Compressor Free Version

# Бизни расмий сайт ва ижтимоий тармоқларда кузатиб боринг!



[www.ifoda.uz](http://www.ifoda.uz)



[issiqxonaifoda](https://t.me/issiqxonaifoda)



[ifodauz](https://www.facebook.com/ifodauz)



[ifodapaxtagalla](https://t.me/ifodapaxtagalla)



[ifoda\\_uz](https://www.instagram.com/ifoda_uz)



[bogdorchilikifoda](https://t.me/bogdorchilikifoda)



[ifoda.uz](https://www.youtube.com/ifoda.uz)



[ifodaagroconsulting](https://t.me/ifodaagroconsulting)

## Диққат! Мўжизавий тасвир!

Энди сиз журналимиздаги баъзи суратларни жонлантиришингиз мумкин.

Бунинг учун сиз:

- 1) Мобил қурилмангизга "ifodamagic" иловасини юклаб оласиз ва ишга туширасиз.
- 2) Илова орқали телефон камерасини фото суратга йўналтирасиз.

1

**ifodamagic** иловасини юклаб олинг



2

Ўрнатинг ва ишга тушинг **ifodamagic**



2

Мобил қурилмангиз камерасини фотосуратга йўналтиринг ва томоша қилинг



PDF Compressor Free Version



**Қодирбек МИРЗАМАҚМУДОВ,  
Бош директор**

## **Ассалому алайкум! Қадрли деҳқон ва фермерлар!**

“IFODA” журналимизнинг 2-сони орқали яна сизлар билан ғойибона кўришиб турганимиздан бағоятда ҳурсандман. Ўйлайманки, журналимизнинг илк сони сизлар учун жуда фойдали ва керакли бўлди. Ундаги қишлоқ хўжалигига оид бир-биридан муҳим маълумотлар, компаниямизнинг эришган ютуқлари, тажрибали агроном мутахассисларимизнинг керакли маслаҳатлари ва сиз каби миришкорларнинг ҳосилдаги натижалари, қолаверса, соҳадаги янгиликлар фаолиятингизда асқотгани ва асқотаётганига ишончим комил. Мана шу анъанани давом эттирган ҳолда, журналимизнинг навбатдаги сонини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Фурсатдан фойдаланиб шуни айтмоқчиманки, компаниямиз доимий равишда сизларнинг меҳнатингизни рўёбга чиқариш, ҳосилингизни мўл қилиш, соҳага янги илм ва инновацион технологияларни жорий этиш борасида туну кун изланишда. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, ери бор одам бой яшashi, яхши даромад кўриши лозим. Биз ҳам айнан

шу йўлда сизнинг хизматингиздамиз. Зеро фермерлик аслида тадбиркорлик эканини чуқур англаб етмоғимиз керак.

Бизни қувонтирган нарса шуки, деҳқон ва фермерларимиз бугун ҳосилни ошириш, уни турли касалликлардан, зараркунандалардан сақлашда инновацион ёндашувнинг муҳимлигини аллақачон англаб етишган. Шу боис ҳам биз билан йил давомида ҳамкорлик қилиб, уруғ экишдан то ҳосил йиғиб олгунга қадар бўлган жараёнда агрономларимиз тавсия ва маслаҳатларига амал қилган бир қанча фермер хўжалиги раҳбарлари катта натижаларга эришиб келмоқда. Биргина мисол, Бухоро вилояти Ғиждувон тумани “ФАЙЗ” фермер хўжалиги раҳбари Рауф ака Рустамов ўтган мавсумда ғалла ҳосилидан 100 центнер хирмон кўтарди. Шунингдек, Андижон вилоятида “ТИЛЛАБОЕВ ҲОСИЛИ МЎЛ”, Навоийда “ЯНГИ ДАВР ЖИЛОСИ” фермер хўжаликлари ҳам 90 центнердан зиёд ҳосил олишди. Бундан ташқари Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги “ХЎЖАЙЛИ” фермер хўжалиги пахтадан 60 центнер ҳосил олди. Ундан олдинги мавсумда ушбу хўжалик пахтадан атиги 37 центнер ҳосил олганини ҳисобга олсак, бу жуда яхши натижа, шундай эмаси? Аслида, бу каби юқори ҳосилдорликка эришган фермерларимиз жуда кўп. Майли, ютуқлар барчамизники, бироқ камчиликларимизни тўғирлаш, хатоларимизни такрорламасдан янги мақсадларни олдимишга қўйиш ва унга эришиш йўлидан боришимиз керак. Бу борада албатта сизларнинг ҳам ҳиссангиз қўшилиши муҳим. Айтмоқчиманки, ушбу журнал орқали муваффақиятга эришган, кўп тажрибага эга фермер ва деҳқонларимизга минбар берамиз. Сиз ҳам ўз фикр-мулоҳазаларингиз, тажриба ва амалий илмингизни биз билан ўртоқлашасиз деган умиддаман. Токи бу барчамизга фойдали бўлсин.

2020 йил мавсуми сиз азизларга, шу жумладан, бутун мамлакатимиз меҳнаткашларига, қолаверса, халқимизга барокатли келсин. Ризқимиз бутун, дастурхонимиз тўкин, хирмонимиз янада юксалаверсин.

Ишингизга барака, оилангизга тинчлик-ҳотиржамлик тилаб қоламан.

**Ҳурмат билан,  
Қодирбек МИРЗАМАҚМУДОВ**



PDF Compressor Free Version

Birgalikda yetishtiramiz!  
Вырастим вместе!  
We grow together!

# TOP KROP 40%

**Бугдойдаги занг ва септориоз касалликларга қарши қўлланиладиган фунгицид!**

## Қўлланиши:

Ғалла майдонларидаги сариқ ва қўнғир занг, уншудринг, сариқ доғланиш, қўнғир доғланиш ва бошқа касалликларига қарши юқори самаралидир. Препарат системали таъсирга эга бўлган ҳимояловчи ва даволовчи хусусиятга эга фунгицид ҳисобланиб, ҳосилнинг нобуд бўлиши ва касалликнинг кенг тарқалиб кетишининг олдини олади. Асосан, ғалла, шоли, ток ва бошқа экинлардаги замбуруғли касалликларга қарши самарали восита бўлиб, узоқ муддатгача таъсир кучини сақлаб туради. Препарат қўлланилгандан сўнг 2-4 соат ичида таъсир эга бошлайди. Препарат +10°C - +28°C ҳароратда қўлланилса, юқори самара беради.

Таъсир этувчи моддаси: Пропиконазол 20% + Тебуконазол 20%

Препарат шакли: коллоид эритма концентрати

Хавфлилик даражаси: III-синфга оид (ўртача хавfli бирикма)



☎ (+998 78) 147-05-00

🌐 [www.ifoda.uz](http://www.ifoda.uz)

📍 @ifodaagroconsulting

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: «ҲЕЧ ҚАЧОН ФЕРМЕРНИ КАМСИТМАЙМИЗ»

PDF Compressor Free Version

**Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг илк қўшма мажлисидаги маърузасида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муаммоли масалаларга тўхталиб ўтди, деб хабар бермоқда Kup.uz мухбири.**



«Пахта билан ғалланинг давлат харидидан умуман воз кечамиз. «Госплан» бўлмайди. Ҳали одамларимиз бунга тайёр эмас, лекин босқичма-босқич шу йўлга ўтмасак, давлатда ушлаб турсак, ҳеч қачон ҳеч кимда манфаат бўлмайди.

Пахта, мева-сабзавот, ғаллачилик, балиқчилик соҳаларида дунёқарашимизга кластер деган сўз кириб келяпти. Бу ҳам ҳозир биринчи қадамларимиз. Жойларда назорат бўлмагани учун, кластерларнинг 20 фоизи ҳам коррупцияга ўтиб кетяпти. Нимага десангиз, улар ҳали банк билан ҳисоб-китоб қилишга ишонмаяпти. «Ўғри бўлсам, битта раҳбарга бориб, 20 фоиз берсам, кечаси тинч ухлайман. Банк билан ишласам, тинч ухлаймайман», дейди. Мана бизнинг дунёқарашимиз. Бу билан узоққа бора олмаймиз.

Бу ишларимизнинг бош мақсади – фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини янада ошириш, қишлоқларда замонавий ишлаб-чиқариш ва янги иш ўринларини яратиш ҳисобланади. Мана, ҳурматли фермерлар ҳам эшитяпти. Биз ҳеч қачон Ўзбекистонда фермерни камситмаймиз.

Нима дегани кластер? Кластер шундай тизим бўлиши керакки, у фермерни бой қилиши керак. Ернинг эгаси манфаатдор бўлса, ер унумдор бўлади. Ҳозиргача, минг афсус, еримиз унумдор эмас.

Бошоқли доннинг ўртача ҳосилдорлигини агар 75 центнерга етказмасак, унумдор ерларга дон экишнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ. Ундан кўра ташқаридан сотиб олсак, харажати

камроқ бўлади.

Биздаги сув билан икки карра кўп ғалла, уч карра кўп пахта қилиш мумкин. Агар юқори технологиялар олиб келсак.

Умумий экин майдони таркибида озуқа экин майдонларини 12 фоизгача кенгайтириш керак. Аҳолимиз сони ўсяпти, лекин эркин майдонларимиз камайиб кетган.

Мева-сабзавотчилик ва чорвачилик асосий локомотивлар бўлиши керак. Минг афсус, бизда мева-сабзавотчиликда ҳам, чорвачиликда ҳам тизим йўқ, тартиб йўқ. Гўштни ҳам жон бошига ҳали етказиб бера олмаяпмиз. Қўшни давлатлардан олиб келяпмиз.



Мева-сабзавотчиликда экспорт ҳажмини 2025 йилда камида 5 миллиард доллардан ошириш, бунинг учун кооперация ва кластер тизимини жадал жорий этиш; сақлаш, ташиш ва қайта ишлашнинг яхлит ва замонавий инфратузилмасини ташкил этиш ва янада кенгайтиришимиз лозим.

Чорвачиликни ривожлантириш учун замонавий чорва комплекслари ва оилавий кооперацияларни илм-фан ва юқори технологияларга асосланган ҳолда чорва наслини 60 фоизга яхшилаш учун барча чораларни кўриш вақти келди.

Глобал шароитда, айниқса мамлакатимизда ва минтақамизда йилдан йилга камайиб бораётган сув ресурсларидан оқилонга фойдаланиш бўйича кечиктириб бўлмас чораларни кўришимиз талаб этилади. Кейинги 5 йилда ерларнинг камида 30 фоизга томчилатиб-ёмғирлатиб суғориш ва бошқа сув тежовчи технологияларни жорий этишимиз зарур.

Шунингдек, сув ҳисобини юритиш тизимини жорий қилиш ҳамда сув балансини мунтазам равишда олиб боришимиз керак. Давлат-хусусий шерикчилигини кенг жорий этиш ҳисобига сув иншоотлари эксплуатацияси ва инвестиция харажатларини камида 15 фоизга қисқартириш чораларини кўриш лозим.

Замонавий технологиялар ҳисобига рақобатбардош қишлоқ хўжалиги техникаларини етарли даражада ишлаб чиқариш орқали фермер ва кластерларни техника билан таъминлаш кўрсаткичини камида 70 фоизга етказиш керак. Ҳозир бизда бор-йўғи 45 фоизга етказяпмиз. Бунда импорт қилинаётган маҳсулотларни ўзимизда ўзлаштириш ва ташқи бозорларга чиқишни алоҳида назоратга олиш керак», – деди Шавкат Мирзиёев.

# Кластерлар фаолиятини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди

PDF Compressor Free Version



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 февраль куни қишлоқ хўжалигида кластерлар фаолиятини янада ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилиш, унга бозор механизмлари ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кластер усули йўлга қўйилди, экин турлари замон талабидан келиб чиқиб ўзгартирилди. Натижада ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам ошмоқда. Юртимизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 66 та мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Унга мувофиқ, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида мева-саб-

завот кластерлари ташкил этилмоқда. 2019 йил 11 декабрда бу борада Президент қарори қабул қилиниб, барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратиб берилди. Ўтган қисқа вақтда ҳокимликлар томонидан 86 та шундай кластер ташкил этиш бўйича таклифлар шакллантирилди.

Йиғилишда мазкур кластерларнинг режадаги қувватлари, инвестиция миқдори ва экспорт ҳажми бўйича маълумот берилди.

Қайд этилганидек, кластерлар томонидан қайта ишлаш, сақлаш ва қуриш бўйича 430 минг тонна қўшимча қувватларни ишга тушириш юзасидан 96 та лойиҳа режалаштирилган. Шунингдек, 6 минг гектарда интенсив боғ ва 8 минг гектарга яқин майдонда узумзор барпо қилиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Жорий йилда 410 миллион долларлик маҳсулотлар экспорти мўлжалланган.

Президентимиз Қишлоқ хўжалиги

вазирлигига кластерлар фаолиятини ташкил қилиш, хорижий экспертлар хулосаси асосида экинларни самарали жойлаштириш, зарур уруғлик ва кўчатларни ҳозирдан тайёрлаш, Молия вазирлигига кластерларни айланма маблағлар билан таъминлаш бўйича топшириқлар берди.

“Ўзбекизоқовқатхолдинг” компанияси кластерларга янги бозорлар топиш ва экспорт қилишда доимий равишда амалий ёрдам бериб бориши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда пахтачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, пахта ва ғалла етиштиришда давлат режасини босқичма-босқич бекор қилиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда жорий йил 24 январдаги Мурожаатномасида айтган эди. “Пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш



тизимига босқичма-босқич ўтаёмиз. Агар бу йўлдан бормасак, фермер ва деҳқонларимиз маҳсулот етиштиришда эркин бўлмайди, улар ўзлари қўлланганларидек манфаат кўрмайди, ҳокимларнинг эса иш услуби ўзгармайди”, деган эди Шавкат Мирзиёев.

минг тонна толани ишлаб чиқариш қувватига эга айрим кластерларга эса етарли миқдорда ер берилмагани кескин танқидга сабаб бўлди.

Президентимиз кластерларни танлашда чуқур қайта ишлаш даражаси

мерларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Пахта ва ғалла бўйича давлат режасини бекор қилиш, экинларни мажбурий жойлаштириш тартиби-



Бу – соҳада давлат аралашувини кескин камайтириш билан бирга ҳокимларнинг режа ортидан қувиш ва мажбурий меҳнатга жалб қилиш амалиётига бутунлай чек қўяди.

Бозор тамойилларига ўтишда кластер тизими муҳим омилдир. Бугунгача мамлакатимизда 73 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилган, ўтган йилги пахта ҳосилининг 73 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келган. Ўртача ҳосилдорлик кластер бўлмаган ерларга нисбатан 4,1 центнерга юқори бўлиб, қўшимча 428 минг тонна пахта олинган.

Йиғилишда кластерларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, уларни танлаш, фермерлар билан муносабатларини тўғри йўлга қўйишнинг очиқ-ошкора механизмларини жорий этиш бўйича вазифалар белгиланди.

27 та кластерга пахта етиштириш учун уларнинг қувватига нисбатан кўп ер майдони ажратилгани, 500

ва инвестициялар ҳажми, фермерлар билан ҳисоб-китоб қилишда маблағнинг етарлилиги асосий мезонлар бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Кластер ташкил этилмаган пахта майдонларида фермерлар иштирокида кооперациялар фаолияти йўлга қўйилиши белгиланди. Бунда ўша ҳудудлардаги пахта тозалаш заводлари фермерларга кооперация ташкил этиш учун берилади, қўшилган қийматдан тушган даромад кооперация аъзолари – фермерлар ўртасида тақсимланади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигига кластерлар ва фермерларнинг мажбуриятларини аниқ белгилаб, уларнинг фаолиятини тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Пахта етиштиришни молиялаштиришнинг амалдаги тизими кластерлар билан ишлашга мослашмагани кўрсатиб ўтилди. Шу боис кластерлар ва фер-

дан 2023 йилгача босқичма-босқич воз кечиш бўйича жорий ва келгуси йилда амалга ошириладиган тадбирлар атрофлича қўриб чиқилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.



PDF Compressor Free Version



# СИФАТЛИ ҲОСИЛ – ЮҚОРИ ДАРОМАД

Иқтисодиётда фойдали кўпайтиришни икки омил мавжуд бўлиб, биринчиси, маҳсулот таннархи ўзгармаган ҳолда унинг нарҳини ошириш. Иккинчиси маҳсулот нарҳини ўзгартрмаган ҳолда унинг таннарҳини камайтириш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида ер ресурси чекланганини ҳисобга олсак, деҳқон даромадини оширишнинг ягона йўли сифатли маҳсулот етиштириш ва уни энг юқори нарх таклиф этиладиган бозорларда сотишдир.

Давид Рикардонинг нисбий афзаллик назариясидан шу нарса аниқки ҳар бир соҳада ички имкониятларидан оқилана фойдаланиш янада кўпроқ даромад қозониш ва фаровонликни оширишга хизмат қилади.

Жадвалга эътибор қаратадиган бўлсак, етиштириладиган экин турига кўра ҳар бир гектардан қанча даромад олиш имконияти мавжудлигини кўришимиз мумкин. Бунда эътиборли жиҳати шундаки ер майдони, сув, ўғит, ишчи кучи ва бошқа ресурслар деярли фарқ қилмаган ҳолатда

## Бир йиллик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан олиш мумкин бўлган ҳосилдорлик ва даромадлилик

№	Маҳсулот номи	Ҳосилдорлик (кг/га)	Маҳаллий бозорларда		Туркия бозорларида		Россия бозорларида	
			Ўртача нархи (сум/кг)	Даромадлилик (сум/га)	Ўртача нархи (сум/кг)	Даромадлилик (сум/га)	Ўртача нархи (сум/кг)	Даромадлилик (сум/га)
1	Тарвуз	50 000	5 000	250 000 000	2 000	100 000 000	10 500	525 000 000
2	Қулупнай	15 000	15 000	225 000 000	16 000	240 000 000	30 000	450 000 000
3	Аччиқ Қалампир	45 000	5 000	225 000 000	16 000	720 000 000	7 500	337 500 000
4	Бодринг	70 000	3 000	210 000 000	3 200	224 000 000	6 000	420 000 000
5	Чеснок	80 000	2 000	160 000 000	6 400	512 000 000	15 000	1 200 000 000
6	Ошқовоқ	50 000	3 000	150 000 000	1 600	80 000 000	4 500	225 000 000
7	Помидор	70 000	2 000	140 000 000	4 800	336 000 000	15 000	1 050 000 000
8	Бақлажон	60 000	2 000	120 000 000	3 200	192 000 000	7 500	450 000 000
9	Пиёз	80 000	1 500	120 000 000	3 200	256 000 000	4 500	360 000 000
10	Ловия	15 000	7 000	105 000 000	4 800	72 000 000	15 000	225 000 000
11	Ковун	20 000	5 000	100 000 000	2 400	48 000 000	15 000	300 000 000
12	Қизил лавлаги	45 000	2 000	90 000 000	1 000	45 000 000	4 500	202 500 000
13	Қанд лавлаги	40 000	2 000	80 000 000	1 000	40 000 000	4 500	180 000 000
14	Редиска	40 000	2 000	80 000 000	3 200	128 000 000	4 500	180 000 000
15	Гулкарам	25 000	3 000	75 000 000	4 800	120 000 000	10 500	262 500 000
16	Сабзи	45 000	1 500	67 500 000	3 200	144 000 000	2 250	101 250 000
17	Ковоқ	30 000	2 000	60 000 000	3 200	96 000 000	4 500	135 000 000
18	Маккажўхори	15 000	2 500	37 500 000	2 400	36 000 000	7 500	112 500 000
19	Турп	25 000	2 000	50 000 000	1 600	40 000 000	7 500	187 500 000
20	Ширин қалампир	15 000	3 000	45 000 000	3 200	48 000 000	12 000	180 000 000
21	Карам	40 000	1 000	40 000 000	2 400	96 000 000	15 000	600 000 000
22	Шоли	7 000	5 000	35 000 000	9 600	67 200 000	10 500	73 500 000
23	Картошка	35 000	1 000	35 000 000	1 600	56 000 000	2 250	78 750 000
24	Нўхат	5 000	5 000	25 000 000	4 800	24 000 000	7 500	37 500 000
25	Шолғом	25 000	1 000	25 000 000	1 600	40 000 000	9 000	225 000 000
26	Семечка	3 000	5 000	15 000 000	4 000	12 000 000	2 250	6 750 000
27	Соя	3 000	2 000	6 000 000	4 800	14 400 000	4 500	13 500 000

ҳам тўғри экин турини танлаш билан бир неча баробар юқори даромадга эришиш мумкин. Буни халқ тилида “ернинг умрини бекор ўтказмаслик” дейишади.

Бироқ бу ҳосилдорлик кўрсаткичлари мамлакатимиз ичидаги натижалар бўлиб, айти турдаги маҳсулотларнинг бир гектардан олинадиган ҳосилдорлик даражаси хориж давлатларда бир неча баробар юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Яъни, жадвалда берилган даромадлар кўрсаткичларини бир неча баробарга ошириш имконияти. Мамлакатимизда ҳам деҳқонларимиз томонидан етиштирилаётган маҳсулотлар ҳосилдорлигини ошириш ва даромадни кўпайтириш учун албатта илғор хориж тажрибаларини ўрганиш, илмни маҳсулот етиштириш жараёнларига тадбиқ этиш ҳамда етиштирилган маҳсулотларга мос бозор топиш талаб этилади.



**Фозилдин ИБРАГИМОВ**  
Директор Ўринбосари

# "IFODA" ЗАВОДИ:

PDF Compressor Free Version



# ТҮЛА ҚУВВАТДА КЕНГ ИМКОНИЯТ

PDF Compressor Free Version



# "IFODA" ЗАВОДИ: ТЎЛА ҚУВВАТДА КЕНГ ИМКОНИАТ

PDF Compressor Free Version

2019 йил ноябр ойининг 27 санасида "Ифода" компаниясининг Наманган вилоятида жойлашган заводи тўла қувватда ишга туширилиши муносабати билан очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Республикадаги соҳа мутахассдилари, тармоқ вазирлик ва идоралар масъуллари, "Ўзагрокимёҳимоя" АЖ ва Наманган вилоят ҳокимлиги раҳбарияти, хорижий ҳамкорлар шунингдек, юртимизнинг энг илгор деҳқон-у фермерлари, агрокластерлар мутахассислари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Маросимда алоҳида тилга олинган жиҳат шу бўлдики, Президентимиз 2017 йил Наманган вилоятига ташрифи чоғида мазкур завод фаолияти билан танишиб, унинг ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни мазкур корхонанинг ўзида тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича ўз тавсияларини берган эдилар. Бундан руҳланган компания жамоаси 2 йил мобайнида корхонани илгор ускуна ҳамда энг замонавий технологиялар билан жиҳозлаб, хориж маҳсулотлари ўрнини боса оладиган, қолаверса, Европа стандартлари асосида маҳсулот тайёрлашни тўла тўқис йўлга қўйди.

## Қодирбек Мирзамаҳмудов – "Ifoda Agro Kimyo Himoya" компанияси бош директори:

– Бу завод лойиҳаси биз учун бир вақтлар орзу эди. Лекин шукр қиламизки, бугун шу лойиҳанинг амалга оширилганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бунинг учун аввало, вилоят ҳокими ва ҳудудий раҳбарлар, моҳир қурувчиларимизга қолаверса, компаниямиз ходимларига ҳам ўз миннатдорлигимни билдираман.

Бугун Қорақалпоғистондан то водийгача, кўплаб деҳқон-у фермерлар "IFODA"ни ёки унинг бирор маҳсулотини билишади, танишади. Умуман, юртимиздаги деярли ҳар бир мева, ҳар бир экинда "IFODA"нинг "қўли" борлиги, бизни қувонтиради. Биз 2019 йилга келиб, Ўзбекистоннинг 3 млн. гектардан ортиқ экин майдонида маҳсулотларимиз ва хизматларимизни қўллаб келяпмиз. Умид қилиб қоламиз, биз "IFODA"нинг 100 йиллигини ҳам сизлар билан биргаликда нишонлаймиз.

Албатта, кейинги мақсадларимиз ҳам бор. Энди ҳамкорларимиз – деҳқон, фермер ва кластерларимизнинг экинни ўстириш, мўл ҳосилга эришишга оид билимларини оширмақчимиз. Бунинг тасдиғи сифатида "Ифода" журналинини чоп этишни бошладик ва келажакда мазкур йўналишда телеканал ташкил этиш мақсадимиз ҳам бор. Энг асосийси, бизга ишонганларнинг ишончини доимо оқлашга ҳаракат қиламиз ва ҳамкорлигимиз абадий бўлишини истаймиз.

Йилланганлар олдига сўз олганлар ўн беш йилдан зиёд вақт мобайнида аграр соҳанинг ривожланиши ва фермерларнинг мўл ҳосил етиштириши учун муносиб хизмат қилиб келатган "IFODA" компанияси заводининг тўла қувват билан ишга тушиши нафақат вилоят иқтисодиёти учун, балки мамлакат қишлоқ хўжалиги истиқболларини белгилашда ҳам катта омил бўлишини қайд этишди.



## Хайрулла Бозоров – Наманган вилояти ҳокими:

– Аввало, "IFODA" заводининг янги қувватда иш бошлагани ва ушбу очилиш маросимида иштирок этаётганимиз бизга фахр ҳамда ғурур бағишлайди. Бу корхона Наманган вилояти кимё саноатининг ривожланишини бошлаб бергани билан ҳам тарихда қолади.

Бу ерда органик ўғитлар билан бирга суюқ ўғитлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда ва маҳсулот турлари ошиб борапти. Айниқса, бу маҳсулотларнинг аҳамияти ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди. Амалда кўп кўрганмиз деҳқон бирор экинни, масалан, пахтани қанча машаққат билан етиштиради аммо, бир зараркунанда келиб, ҳосил (кўсак)ни бир зумда нобуд қилиб кетади. Бундай вазиятда ҳеч нарса қилолмаслик эса – энг оғир ҳолат...

Мана қарангки, бугунга келиб гербицид, пестицид, фунгицид ёки суюқ ўғитлар ўзимизда ишлаб чиқарилаётган экан, кўнгилимиз тўқ. Энг муҳими, бугун қишлоқ хўжалигимизда янги қадам ташлашга, катта ҳосилдорликни яратишга имкон берувчи ажойиб завод пайдо бўлди.

Яна бир жиҳати, – "IFODA" компаниясида профессионал жамоа йиғилгани, уларнинг иш услуби, билими, муомаласи мени лол қолдиради. Мана шундай ишлаб чиқарувчилар кўпайишини хоҳлаймиз.

## Ражаббой Очиллов – “Ўзагрокимёхимоя” АЖ раиси ўринбосари:

– Бу заводда олимлар, Ўсимликликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти профессорлари ва табиётшунос мутахассисларнинг табиғий табиғатда текширувдан ўтказишмоқда. Мана шундай синовлардан ўтган, маҳаллий шароитимизга мослаб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан фермерларимиз, миришкорларимиз фойдаланишмоқда. Улар бунинг самарасини ўз кўзлари билан кўришяпти. Ўйлайманки, бу корхона аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасига, унга тегишли ҳар бир инсонга кўмакчи бўла олади. Энг муҳими маҳсулотларни ўз вақтида ва меъёрида қўллаш лозим, шунда асл фойдасини беради. Нотўғри қўллаб ёки меъёрида ишлатмасдан "таъсир қилмади, ёрдам бермади" дейиш керак эмас. Ишончим комилки, ҳар қандай мураккаб вазиятларда ҳам "IFODA"нинг малакали агрономлари деҳқон ва фермерларга кимёвий воситани, уни қўллаш тартибини ва меъёрини тўғри кўрсата олади. Чунки, улар ҳам хорижий ҳам маҳаллий тажрибани ўрганиб келишмоқда. Ният қиламанки, корхона жаҳонга машҳур компаниялар қаторида бўлсин.



## Лола Муротова – Ўзбекистон Қаҳрамони, фермер:

– “IFODA” компанияси мутахассисларини қаранг! Ўзлари далаларимизга бориб, зарарланиш миқдорларини кўриб, “экиннингизга ундай ишловлар қилишимиз керак, зудлик билан бунга қарши курашимиз зарур бўлади”, дейди. Буларни ишлаб чиқараётган биостимуляторлари, органик ўғитлари сиз-у, бизнинг ҳамёнбобимиз. Ана шуларнинг ёрдами билан режамиздан ошириб, давлатга қўшимча 200 тонна пахта сотдик.

*Фан ва ишлаб чиқаришнинг амалий уйғунлигини ўзида намён этган ва янги босқичда, тўла қувватда иш бошлаган ушбу замонавий заводнинг очилиш маросимида рамзий лента кесилгач, меҳмонлар гуруҳларга бўлинган ҳолда корхона ишлаб чиқариш мажмуини кўздан кечиришди.*

*Дастлаб корхонанинг ихтисослашган лабораторияси кўздан кечирилди. Бу ерда маҳсулотларининг сифати назорат қилиб борилади. Ушбу лабораторияда препаратлар намуналарининг кимёвий элементлар таркиби синчковлик билан таҳлил қилиниб, унинг белгиланган норма ва таркибга қанчалик мослиги, хусусан, модда ва компонентларнинг етарли миқдорда экани таҳлил қилинади.*

## Дилшод Долимжонов – фермер хўжалик раҳбари (Андижон):

– Авваллари галладан гектарига 50-55 центнердан ҳосил олган бўлсак, “IFODA” билан ҳамкорлик қилаётганимиздан буён 80 центнергача ҳосил оляпмиз. Шунингдек, “ўргимчаккана”, “кўсак қурти” ҳам бизга катта зиён келтирар эди. Аммо “IFODA” агрономлари билан зарур препаратларни қўладик, ишлов бердик ва пахтаимизда уларнинг хавфи умуман кўринмади. Натижада, пахта режасини 120 фоизга бажардик. Худо хоҳласа, уларга ишончимиз катта ва бирга ишлашда давом этамиз.



## Исроил Хамроев – кластер раҳбари (Сурхондарё):

– Бир йилдан бери Ифода компанияси билан ишлаб келяпмиз. Тўғриси айтишим керак, бу мавсумдаги ҳосилимиз ростдан ҳам анча яхши бўлди. Худо хоҳласа, компания билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятимиз бор. Энди компания ҳақида гап кетар экан, бизга энг маъқул бўлган тарафларидан бири-бу компаниянинг агрономлари. Чунки далама-дала юриб муаммоларни аниқлашда, турли касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш чораларини кўришда ўз тажрибалари билан яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Албатта, биз бундан ҳурсандимиз. Айниқса, мана “IFODA” компаниясининг вилоятимиз агрономи Гулсара опа, жуда жонкуяр ва тажрибали мутахассис. Ҳар қандай вазиятда ҳам чақирсак, келиб фермерларга керакли маслаҳатларини беришни ҳеч қанда қилмайдиган инсон. Бунинг учун ўз миннатдорчилигимни билдираман. Насиб қилса, “IFODA” билан катта-катта ютуқларга эришамиз деб ўйлайман.

**Абдумавлон Убайдуллаев – кластер раҳбари (Сирдарё):**



– Мен бир неча йиллардан буён “IFODA” билан ҳамкорлик қиламан. Кампания агрономларининг маслаҳати ва кўмаги бор экан, ҳосилимдан кўнглим тўқ. Масалан, “Энтовант” препарати шу йил менга жуда қўл келди, фойдасини яққол сездим. Бутун сирдарёлик фермерлар номидан бу корхона фаолиятига ривож ва раванқ тилаб қоламан.

**Азиз ҚУРБОНОВ “Навбахор Текстил” кластерининг**



**бош агрономи (Навоий):**

– Бу компаниянинг “Биргаликда етиштирамиз” деган олтин қоидаси бор. Бизга жудаям маъқул. Негаки, қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори ҳосил олиш фақат кетмон кўтариб далага кириш дегани эмас-да. Яхши мутахассис, тажрибали агрономлар албатта керак. Бундан ташқари бу компаниянинг маҳсулотларини жуда яхши биламиз. Мисол учун, ўтган йили ғалла майдонларида шудгордан бошлаб, то бугдой бошоқ тугиб, етилгунгача бўлган даврда компаниянинг ҳар хил озиклантирувчи, касалликлар ва зараркунандаларга қарши препаратларини мунтазам бериб борганмиз. Натижада эса, 90 центнердан ортиқ ҳосил олганмиз.

**Равшанбек Шарофиддинов – фермер хўжалик раҳбари (Наманган):**

– Бу йил бизнинг ҳудуддаги ғалла майдонларига занг касаллиги тушмади. Чунки, мен ва атофимдаги фермерлар “IFODA”нинг маҳсулотларидан тўғри ва самарали фойдаландик. Шу ўринда, барча фермерларни “Ифода” билан ҳамкорликка чорлайман. “IFODA” билан биргаликда етиштирамиз

**Айтиш керакки, “IFODA” компанияси фаолияти бевожита аграр сектор субъектлари учун зарур ҳамда экологик хавфсиз бўлган воситаларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўз олдига дунё бозорида муносиб ўрин эгаллаш каби улкан мақсадларни қўйган корхона 22 йил мобайнида муваффақият ва ривожланиш йўлидан бориб, бугунги кунда мамлакатимизнинг етакчи агрокимё маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларидан бирига айланди.**





PDF Compressor Free Version



*Birgalikda yetishtiramiz!*  
*Вырастим вместе!*  
*We grow together!*



PDF Compressor Free Version



# Бу қорхона Наманганимиз тарихида қолади

PDF Compressor Free Version

Хайрулла БОЗОРОВ,  
Наманган вилояти ҳокими



# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

“Ифода” компанияси мутахассислари бугунги кунда қишлоқ хўжалигида мавжуд муаммо ва камчиликлар, ҳосилга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларнинг олдини олиш, ҳосилдорликни янада ошириш, маҳсулотларни сифатли қилиш бўйича тадрижий изланишлар олиб бормоқда. Бу борада туркиялик мутахассислар билан қатор илмий амалий тажрибалар ўтказилмоқда. Қолаверса, Хитой, Германия каби йирик хорижий давлатлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Фарғона вилоятида ҳудуддаги ҳамкор фермерлар, деҳқон ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари, ҳокимлик вакиллари, етакчи агроном ҳамда хорижлик мутахассислар иштирокида илмий - амалий семинар ташкил этилди. Унда “IFODA” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва уларнинг самараси, жорий йилда эришилган ютуқлар, янгиликлар, замонавий техника ва технологиялар ҳамда уларни қишлоқ хўжалигида қўллаш амалиёти бўйича батафсил фикр алмашилди.

Тадбирда иштирок этган “IFODA” компанияси директори ўринбосари Фазлиддин Ибрагимов сўнги пайтларда қишлоқ хўжалиги экинларида йилдан-йилга турли хил касаллик ва ҳашоротлар кўпайиш тенденцияси, бу ҳавфларнинг ўз вақтида олди олинмас ҳосилга талайгина зарар етказиши тўғрисида тўхталди. Шунингдек, бу борада компания билан яқин ҳамкорликда иш юритиб келаётган фермерлар тажрибаси хусусида ҳам айтиб ўтди.

Семинар давомида боғдорчилик мавзусига алоҳида урғу берилди. Хусусан, меваларни етиштириш, уларда кўп учрайдиган касаллик ва зараркунандалар ҳамда уларни бартараф қилишга қаратилган профилактик тадбирлар ҳақида маълумот берилди. Айтиш керак, боғдорчиликда ҳосилни ошириш билан бир қаторда, меванинг

сифатли бўлиши, унинг харидорбоп, айниқса, экспортбоп бўлишида кимёвий ишловлар жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзаро манфаатли мулоқатлар конкрет савол-жавобларга, мунозара ва маслаҳатларга бой бўлди. Тадбир сўнгида амалий кўргазма ташкил этилиб, йиғилганлар компания маҳсулотлари ва Туркиядан келтирилган замонавий техника анжомлари билан яқиндан танишишди.





Birgalikda yetishtiramiz!  
Вырастим вместе!  
We grow together!

PDF Compressor Free Version

# AGROFOS Ekstra 60%

Сўрувчи ва кемирувчи зараркундаларга қарши  
қўлланиладиган самарали инсектоакарицид!

## Қўлланиши:

Таркибида циперметрин миқдори 10 фоизга оширилган юқори самарали, кенг таъсир доирасига эга бўлган инсектоакарицид. Цикадалар, шира, трипс, зарарли хасва, шиллиққурт, олма қурти, баргўрар қуртлар, ўргимчаккана, ғовакловчи пашша, намот канаси, куялар, тут парвонаси, фитонимус ва бошқа бир қатор зараркундаларга қарши юқори самаралидир. Қўлланилгандан кейин узоқ муддат ўз таъсир кучини сақлаб туради, бу эса ўз навбатида қарши кураш, яъни пуркаш сонини қисқартиради.

Таъсир қилиш кўлами кенг, яъни кўп турдаги зараркундаларга қарши яхши самара беради.

### Таъсир этувчи моддаси:

циперметрин  
10% + хлорпирифос 50 %

### Препарат шакли:

эмульсия концентрати

### Хавфлилик даражаси:

III-синфга оид (ўртача хавфли)



☎ (+998 78) 147-05-00

🌐 [www.ifoda.uz](http://www.ifoda.uz)

📧 @ifodaagroconsulting

# БОЁВУТДА АМАЛИЙ СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

PDF Compressor Free Version

Ўтган йили эрта баҳордан иқлим шароитининг ноқулай келиши, ёғингарчиликнинг кўпайиши ва бунинг натижасида касаллик ҳамда зараркунандаларнинг авж олиши деҳқон ва фермерларимиз учун анча мураккабликларни туғдирган эди. Бироқ шунга қарамай тиним билмас миришкорларимиз керакли агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли олиб бориш, кимёвий препаратларни меъёрида, оптимал муддатларда қўллаш орқалигина ҳосилни беталофат йиғиб олишга эришилган эди. Аммо бу мавсумда ҳам ҳар қандай об-ҳаво шароитига тайёр туришимиз керак.



Шу мақсадда "IFODA" компаниясининг малакали мутахассислари томонидан Сирдарё вилояти Боёвут туманида деҳқон ва фермерлар учун "2020 йилда ғалла ва ғўза ўсимлигини ҳимоя қилиш, ўғитлаш ишларини самарали ташкил этиш" мавзусида амалий семинар ўтказилди. Унда 180 нафарга яқин тумандаги фермер хўжалиги раҳбарлари, агроном ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари иштирок этишди.

Учрашувда таъкидланганидек, ғалла парваришида ўз вақтида профилактик чораларни кўриш, касаллик ва зараркунандаларга қарши самарали ку-



рашиш, шунингдек, озиклантирувчи ўғитларни меъёрида ҳамда вақтида



бериш, қолаверса, ғалла майдонларини бегона ўтлардан ҳимоя қилиш кўзланган мўл-ҳосил етиштиришнинг гаровидир. Бундан ташқари ғўзани экишдан аввал дорилаш, униб чиққандан сўнг илк кунларданоқ парваришига жиддий эътибор қаратиш зарурлиги айтилди.

Семинар давомида "IFODA" компанияси мутахассислари турли зарарли ҳашоротлар, касаллик ва бегона ўт турлари, уларга қарши курашиш чора-тадбирлари, компанияда ишлаб чиқарилаётган препаратларнинг хусусиятлари, қўллаш тартиби ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалиги экинлари учун фойдали жиҳатлари, шунингдек, шу кунга қадар фермерлар билан биргаликда етиштириб эришган ютуқлари ҳақида атроф-лича гапириб ўтдилар.

– Компаниямиз 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўсимликларни ҳимоя қилиш билан шуғулланади, – дейди мутахассис Дониёрбек Муллабоев. – Шу вақт оралиғида кўплаб натижаларга эришдик. Пахтадан 60 центнер, ғалладан 100 центнергача ҳосил олган фермерларни биламиз. Улар доимий равишда биз билан ҳамкорлик қилиб, тавсия ва маслаҳатларимизга амал қилиб келмоқда.

Тадбир сўнгида фермерлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.



# “IFODA” ПРЕПАРАТЛАРИ PDF Compressor Free Version ХАЛҚАРО ЯРМАРКАДА

2019 йилнинг 11-13 декабр кунлари Тошкент шаҳридаги “Ёшлар ижодиёт маркази”да Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан илк мартаба “Халқаро савдо ярмаркаси” ташкил этилди. Унда 50 дан ортиқ турли корхона ва ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ўзларининг маҳсулотлари билан иштирок этишди.

Таъкидлаш керакки, мазкур ярмаркани ташкил этишдан мақсад - 2020 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини зарарқунанда, касаллик ва бегона ўтларга қарши курашиш учун кимёвий ва биологик воситалар захирасини яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга кимёвий ва биологик воситаларни етказиб беришда бозор муносабатларини кенг жорий этиш, шаффофликни таъминлаш ва соғлом рақобатни йўлга қўйишдан иборат. Албатта, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уни турли ташқи салбий омиллардан ҳимоя қилишда кимёвий воситалар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Тадбирда “IFODA” компаниясининг жамоаси ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Агрономлар фермер ва деҳқонларга кимёвий ҳамда биологик воситаларнинг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни, фойдали ва аҳамиятли томонлари ҳамда шу пайтгача компания билан ҳамкорлик қилиб, юқори ҳосил олиб келаётган деҳқон-у миришкорлар эришаётган натижалар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтилди.

Тадбир сўнггида кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари билан ҳамкорлик борасида ўзаро манфаатли шартномалар имзоланди. Ҳаттоки Эрон давлатидан келган ишбилармонлар ҳам “IFODA” препаратларига катта қизиқиш билдириб, ҳамкорлик борасида ўзаро музокараларда қатнашдилар.





# ENTOXLOROK 85%

**PDF Compressor Free Version**  
Милдью, антракноз ва бошқа касалликларга  
қарши самарали фунгицид!



Birgalikda yetishtiramiz!  
Вырастим вместе!  
**We grow together!**



## Қўлланиши:

Текканда таъсир этувчи юқори самарали фунгицид бўлиб, қўлланилгандан кейин ўсимликларнинг поя, барг ва меваларини касалликлардан узоқ вақт ишончли ҳимоя қилади. Милдью, антракноз, переноспориоз, фитофтороз, кладоспориоз, альтернариоз, макроспориоз, калмараз касалликларига қарши қўлланилади.

Таъсир этувчи моддаси: Миснинг хлорли оксиди 85%  
Препарат шакли: намланувчи кукун  
Хавфлилик даражаси III-синфга оид (ўртача хавфли бирикма)

☎ (+998 78) 147-05-00

🌐 [www.ifoda.uz](http://www.ifoda.uz)

📍 @ifodaagroconsulting

# ЛАБОРАТОРИЯ ТАЖРИБАСИДАН ДАЛАДАГИ ҲОСИЛГАЧА...

PDF Compressor Free Version

Ҳар бир соҳанинг ривожидида илмий ёндашувнинг аҳамияти юқори. Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиалида галла ҳосилдорлигини кўпайтириш, сифатли ва баракали мўл-ҳосил етиштиришга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар самарали олиб борилмоқда. Хусусан, ИФО СЕЕД ва ВЛ-77 препаратларининг экин турларида қўллаш самараси лаборатория шароитида ўрганилди. Бунинг учун махсус тувакларга ўсимлик уруғи дорилаб ва дориланмасдан, яъни, назорат учун экилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, улар ўртасидаги илк самара ўсимликнинг ўсиш жараёнида сезилган. Дастлабки 10 кунлик натижаларига кўра, ниҳоллар бўйидаги фарқ 3 см бўлса, 25 кунликда бу рақам 8 смни ташкил этган.

Эрали НОРБЕКОВ



**Акбар АБДУАЗИМОВ, Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти илмий котиби:**

– Бу тажрибада элита уруғлардан фойдаландик. Айтиш керак, уруғнинг унвчанлигида унчалик ҳам катта фарқ сезилмади. Лекин ўсиш тезлиги ва энергиясида бу яққол намоён бўлди. Шунингдек, дорилаб



экилган тувакдаги ўсимлик илдизи назоратдагига нисбатан яхши ривожланган. Бундан ташқари, назоратдаги ўсимликнинг ҳар 10 тасининг иккитаси қўшимча туплаган бўлса, тажриба тувакчаларидаги ниҳолларнинг эса, ўнтасидан 9 таси қўшимча туп чиқарди.

Демак, ИФО СЕЕД билан дориланганда, ўсимлик илдизи бақувват бўлиши, ўсиш энергиясининг ошиши ва тупланиши яхшиланиши амалда исботланди. Бу эса ўз навбатида, ниҳолларнинг қишга чидамли бўлиб кириб, уларда турли касаллик ва бошқа салбий омилларга қарши

курашувчанлик қобиляти шаклланишига хизмат қилади. Бундан ташқари, бугдой униб чиққандан сўнг озуқага бўлган эҳтиёжи ортади. Лаборатория шароитида буни аниқлаш учун хлорофиллар миқдорини ўлчаб олиш лозим.

Хлорофиллар миқдорини аниқлашда бизга ўсимликнинг 10 та намунаси керак бўлади. Тадқиқотлар учун ҳар бир ўсимликнинг учта нуқтасидан анализ олинади. Шундагина натижа аниқ чиқиши мумкин. Дарвоқе, мазкур махсус мослама ҳар бир нуқтадан олинган анализнинг ўртача миқдорини чиқариб беради. Агар умумий кўрсаткич 40 дан паст бўлса, демак ўсимлик озуқага талабчан ҳисобланади.



Умуман, ўтган мавсумда институт мутахассислари турли навдаги бугдой уруғини экиб, тажриба ва назорат шаклидаги дала майдонларини ташкил этишди. Бу ерда қисқа ротацияли алмашлаб экиш, донни мақбул муддатларда ерга қадаш, шунингдек, маҳаллий ўғит ва бошқа кимёвий воситаларни қўллаш ёрдамида синовлар ўтказилди. 2020 йил ҳосили учун синов майдонларда кузги бугдойнинг тизмалари синовдан ўтказилди. Асосан, селекция жараёнида



ўрганилаётган тизмаларни олимлар Республикаимизнинг жанубий минтақалари учун иссиқлик ва қурғоқчиликка чидамли навларни яратишга, шу билан биргаликда суғориладиган майдонлар учун сариқ занг касаллигига чидамли навлар яратишда қўлландилар. Бундан ташқари 11 гектар майдонда ушбу даргоҳда кашф этилган навларнинг уруғчилиги билан шуғулланилади. Институт аҳлининг асосий мақсадлардан бири - бошоқли ва дуккакли экинларнинг агротехнология-



сини такомиллаштириш орқали экинларнинг экиш меъёри ва муддатлари, озуқага бўлган талабларини ўрганишдан иборат.

Институт жамоаси ўз тажрибаларида “Ифода” компаниясининг препаратларидан кенг фойдаланади. Майдоннинг маълум бир қисмида уруғлик дон ИФО СЕЕД препарати билан дорилаб экилган эди. Галдаги вазифа эса, бўйлаб қолган ниҳолларни озиқлантириш мақсадида ИФО-ПЗН ва АН-КАСУПЕР каби кимёвий воситаларни қўллашдан иборат.

Мутахассисларнинг фикрича, бугдой ўсимлиги тупроққа бериладиган ўғитнинг атиги 28 фоизини ўзлаштирар экан. Аммо суспензия баргдан берилганда эса бу кўрсаткич 70 фоиздан ошади. Демак, экин учун керакли озуқаларни барг орқали узатиш анча самаралидир.

# ПАХТАЧИНИНГ ПАХТАСИ – 60 ЦЕНТНЕР ТЕПАСИ

PDF Compressor Free Version



## Эрали НОРБЕКОВ

Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги “Хўжайли” фермер хўжалиги 2018 йилда пахтадан 37 центнер ҳосил олган. Ўтган йилги об-ҳавонинг ўта ноқулай келиши эса ана шу ҳосилни ҳам сўроқ остида қолдираёзганди. Бундай шароитда натижанинг қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Демак, бир иложисини топмаса бўлмайди. Ахир, деҳқоннинг қора қозони-ю, фарзандларининг ризқи бу...

Аслида бугун тақдирингни фалак билан заминнинг ихтиёрига боғлаб қўйиш унчалик ҳам тўғри эмас. Айтишадик, замон сенга боқмаса сен замонга боқ! “Хўжайли” фермер хўжалиги аъзолари ҳам

мавжуд вазиятни тўғри тушунган ҳолда, “IFODA” компаниясининг тажрибали агрономи Раҳимжон Жўраевга маслаҳат солишди. Қишлоқ жой эмасми, гап тез тарқайди. Компания препаратларини қўллаб ҳосилни икки, уч ҳисса ошираётган қўшни даладагиларнинг хабари бу ерга ҳам етиб келганди. Лекин шунда ҳам деҳқонлар аввалига фақат 8 гектарлик майдондагина тажриба сифатида синаб кўришга қарор қилишди.

## Раҳимжон ЖўРАЕВ, агроном

— Дастлаб пахта майдонларини кўздан кечирдик, ғўза ниҳолларида анчагина камчиликлар аниқланди. Биринчи навбатда ғўзани 3–4 чимбарг

чиқарганда фосфор етишмаслиги баргларида кўриниб турарди. Буни бартараф қилиш мақсадида биринчи бўлиб ИФО ПЗН препаратини гектарига 2 литр миқдорда қўлладик. Яна азотга бўлган талабни қондириш учун ИФО УАН-32 препарати билан 2 литр миқдорида ишлов бердик. Натижада экинларнинг ривожини тезлашди. Кейинги жараёнда қўлланилган препарат — ЭНТОМИКРО кимёвий ўғити бўлди. Ғўзани шоналаш даври келиб қолганда эса, ПО-ТЕКС препаратини қўлладик ва ғўза яхши ривожланиб кассалликларга бардошлилиги ошди.

Далада турли зараркунанда ва ҳашоротларга ҳам қарши самарали курашилган. Хусусан, ЭНТОЛУЧО 300 граммдан ва ёзнинг жазирама иссиғида ниҳолларнинг стресс ҳолатига тушиб қолмаслиги учун гектар хисобига ярим литрдан ВЛ-77 препаратлари билан ишлов берилган. Натижада ғўза яхши гуллаб, ривожланишига анча далда бўлди. Пахталар айна пишадиган даврга кел-



ганда сўнги тадбирлар ўтказилди. Ҳосилнинг тош босадиган бўлиши ва тезроқ очилишини таъминлаш мақсадида 2 литрдан ИФО КАЛИФОС ва 1 литрдан ИФО АМИНОМАКС препаратлари берилди. Хўш сизнингча, яқунда хўжалик деҳқонлари қанча ҳосил териб олишди деб ўйлайсиз?

2018 йилги хирмонни яна бир бор ёдингизга соламыз: 37 центнер. 2019 йилда эса ўша даладан, ўшанча меҳнаткаш билан оз эмас, кўп эмас, нақд 61 центнер пахта ҳосили олинди. Йил бошида ночор аҳволда қолган фермер хўжалигининг ушбу ютуғига ўз ҳиссасини қўшгани учун агроном Раҳимжон Жўраевга “IFODA” компанияси томонидан 5 миллион сўм пул мукофоти топширилди. Мана сизга “Биргаликда етиштирамыз” широнининг амалий натижаси!



PDF Compressor Free Version

# IFODA АГРАР СОҶАГА ИННОВАЦИЯЛАР КИРИТИШ БИЛАН МАШҒУЛ

"Ifoda Agro Kimyo Himoya" МЧЖ жаҳон бўйлаб ривожланиб бораётган янги техника ва технологияларни ўзида жорий қилиб бориш мақсади билан халқаро кўргазмаларда қатнашишдан ташқари давлат ташкилотларига ташриф буюриш ва билим-тажриба алмашишни ҳам йўлга қўйган.

"Ifoda Agro Kimyo Himoya" кампанияси бош директори **Қодирбек Мирзамаҳмудов** бошчилигидаги бир гуруҳ вакиллар Туркиянинг Анталия шаҳрида ташкил этилган халқаро GROWTECH кўргазмасига бориб, турли мамлакатлардан келган компаниялар билан танишиб уларнинг вакиллари билан учрашишди. Томчилаб суғориш, ўсимликнинг ҳимоявий воситалари, асбоб-ускуналар, компьютерлаштирилган оғоҳлантириш тизими ишлаб чиқарувчи фирмалар билан ҳамкорлик шартномалари тузилди ва уларни Ўзбекистонга таклиф қилинди.

Бош директор Ifoda журнали учун берган интервьюсида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: "Компаниямиз турли ўлкалардаги халқаро кўргазмаларни кузатиб бормоқда. Фақат бизнинг соҳага оид бўлган маҳсулотлар эмас, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун ҳар томонлама фойда келтириши кўзда тутилган янги технологияларга ҳам қизиқиш билдириб, уларни юртимизга олиб келиш устида ишлаяпмиз. Деҳқонларимиз бу қулайлик ва янгиликлардан фойдаланишини истаймиз.

Чунки бу инновациялар жаҳон стандартига мос маҳсулот ишлаб чиқарилишига ижобий таъсир кўрсатади, айни вақтда деҳқонларимиз оз харажат қилиб кўпроқ даромад олишлари учун имкон яратилади".

## ҒАРБИЙ АКДЕНИЗ АГРАР ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ВАТЕМ)

Ifoda компанияси бош директори Қодирбек Мирзамаҳмудов Анталиядаги GROWTECH кўргазмасида иштирок этар экан, Туркия қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли Ғарбий Акдениз аграр тадқиқотлар маркази — ВАТЕМ(Анталия)га борди. Институт директори Доктор Абдуллаҳ Унлу Ўзбекистоннинг йирик ва муҳим компанияларидан бири "IFODA" билан кўришгани уни жуда мамнун қилганини айтди. Др. Абдуллаҳ Унлу: "Институтимизда лимонария, боғдорчилик ва тропик мевалар устида тадқиқотлар ўтказиб борамиз. Ўзбекистон бизга яқин, ўз ватанимиздек азиз бир ўлка. У ернинг қишлоқ хўжалиги ва деҳқонларига кўмакчи ва дастак бўлишни истаймиз. Бизнинг муассасамиз бу борада ҳар қандай ҳамкорликка тайёр".



PDF Compressor Free Version



# ИССИҚХОНАЛАРДА ФЕРОМОННИНГ ФОЙДАСИ

PDF Compressor Free Version

Иссиқхоналарда учрайдиган турли зараркунанда ва ҳашоротларга қарши курашишда кимёвий воситалар доим ҳам яхши самара беравермайди. Ишлов берилган препаратлар кушандаларнинг маълум фоизини йўқ қилса, қолган қисми яна ўзидан кўпайиб ҳосилга зарар бераверади. Бундай пайтларда сўнги кунларда кенг қўлланилаётган феромон-тутқичлар жуда самарали восита ҳисобланади. Маълумотларга кўра, зараркунандаларга қарши ўз вақтида кўрашилмагани оқибатида 60-80 ва ҳатто 100 фоизгача ҳосил нобуд бўлиши мумкин экан. Қуйида эса, феромон-тутқичларнинг афзалликлари, қўллаш тартиби ва хусусиятлари тўғрисида тажрибали турк мутахассиси, "IFODA" компанияси билан биргаликда ҳамкорлик қилиб келаятган етакчи агроном **Женгиз Ялчиннинг** тавсия ҳамда маслаҳатларини келтирамиз.



тузоқ ва стикерлар.

Дельта тузоқлари асосан, помидор қуяси, яъни "тута абсолют" ва ҳар хил зарарли капалакларга қарши қўлланилади. Бундай монитор тузоқлари гектарига 4-5 дона қўйилади ва унга тушган капалаклар сони мунтазам равишда назорат қилинади. Агар тузоққа тушган капалакларнинг сони 4-5 тадан ошса, 7-8 кун ичида

тарқалиши ҳақида огоҳлантириш бериб, кимёвий ишлов ўтказиш муддатларини белгилаш учун қўлланилади. Ҳар бир зараркунанда учун алоҳида махсус феромон капсуласини ишлаши тавсия этилади.

Дельта тузоқлари мониторинг мақсадларида қўлланилса, зараркунан-

даларга қарши курашиш учун сувли тузоқлар ишлатилади. Бундай тузоқларга сув ҳамда бироз ёғ солинади. Сувли тузоқлар гектарига 50 донадан қўлланилади. Бунинг натижасида экинларда кимёвий ишлов сони кескин пасаяди ёки умуман ўтказилмаслиги ҳам мумкин. Сувли тузоқлардан ҳам очиқ, ҳам ёпиқ майдонларда фойдаланса бўлади. Сувли



## Женгиз Ялчин, агроном:

– Феромонларнинг афзалликлари шундаки, улар кимёвий модда ҳисобланмайди. Яъни, инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун ҳеч қандай зиёни йўқ бўлиб, органик маҳсулот етиштириш учун жуда қулайдир.

Феромон тузоқлар деҳқон ва фермерлар учун ҳам иқтисодий, ҳам самара жиҳатдан яхши фойда беради. Уларни қўллаганда, кимёвий ишловларни камроқ ўтказишга ва юқори самарадорликка эришишга ёрдам беради. Шу ўринда айтиш керак, феромон тузоқларнинг ҳам бир нечта турлари мавжуд. Масалан, дельта тузоқ, сувли



кимёвий ишлов бериш лозим бўлади. Эътиборли томони, феромон капсулаларининг ишлашини яхши билиб олиш керак. Чунки бу капсулаларнинг ишлаш муддати 30-40 кун бўлиб, ушбу муддат поёнида капсулалар алмаштирилиши лозим.

Яна бир жиҳати, тузоқлар доимий назоратни талаб этади. Мана бу тузоқни кузатганимизда жуда кўп миқдорда "тута абсолют" капалаги тўтилганлигини кўришимиз мумкин. Демак, ушбу иссиқхонада дарҳол кимёвий ишлов тадбирлари ўтказилиши керак. Кўриб турганингиздек, ушбу монитор тузоқларининг в

тузоқларни мунтазам назорат қилиб, тушган капалаклардан тозалаб туриш лозим.

IFODA компанияси томонидан иссиқхоналарда қўлланилаётган воситалардан яна бири – стикерлардир. Улар икки томонлами елимли ёпиштиригичлар бўлиб, улар оқ пашша ва бошқа пашшасимон зараркунандаларни тутиш учун қўлланилади. Мазкур стикерлар ҳам жуда самарали восита ҳисобланиб, буларда феромон капсулалари қўлланилмайди. Стикерлар пашшалар билан тўлганида, бошқасига алмаштирилади. Уларни қўллашда ҳам гектарига маълум миқдорлар белгиланган. Бунда рангларнинг

аҳамияти юқори бўлиб, масалан, сариқ рангли стикерлар "тута абсолюта" зараркунандасини тутишга жуда қулай. Демак, ҳар бир қишқандани жалб қилиш учун мос бўлган ранглар танлаб олинади.

Умуман олганда, барча феромонларни очиқ ва ёпиқ майдонларда қўлласа бўлади. Шунингдек, намлик, иссиқлик, ёғингарчилик ва бошқа омилларга ўта чидамли.

**Мазкур феромон-тутқичларни "IFODA" компаниясининг Республика бўйлаб фаолият кўрсатаётган барча филиалларидан топишингиз мумкин. Ҳудудлардаги агрономлар уларни қўллаш тартиби ва бошқа керакли тавсиялар бўйича батафсил маълумотлар беришга тайёр.**

PDF Compressor Free Version



# КЎЧАТ ЭКИШДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?

**“Дарахт экиш учун энг яхши вақт 20 йил олдин келган эди. Иккинчи энг яхши вақт эса ҳозир”**

**Хитой халқ мақоли**

Кўчатни ерга қадагандан сўнг яхши парвариш, сифатли агротехника муҳим, аммо уни экаётганда ҳам эътибор қаратиш лозим бўлган шундай жиҳатлар борки, бу соғлом дарахт, сифатли мева ва турли касалликлардан йироқ дарахт бўлиб етишишини таъминлайди. Кўпгина дарахтларнинг парваришларга қарамай, эрта қуриши ҳамда ривожланмай қолишининг асосий омили ҳам айнан шунда. Ҳўш, экишдан олдин нималарга аҳамият беришимиз керак?



**Алишер МАМАТВАЛИЕВ,**  
этакчи агроном:

– Дарахт экишдан олдин бир нечта

амалларни бажариш керак бўлади. Дастлаб, улардаги зарарланган илдизлар кесиб ташланади. Чунки бу илдизлар орқали турли касаллик ва бошқа салбий омилларнинг таъсир



этиш эҳтимоли вужудга келади. Дарахтда табиатан, ўз ўзини тиклаш хусусияти бор. Шунинг учун кесилган илдиз ўрнида тез орада янғиси ҳосил бўлади. Навбатдаги эътибор қаратишимиз лозим бўлган жиҳат шундаки, ерга қадаладиган ниҳолда ортиқча бўлган, яъни, биз уни “ёввойи новда” деймиз, ўшалар олиб ташланади. Бу амалиёт берилган озуқанинг навда танасига сингиши, шунингдек, унинг тезроқ ўзини тутиб олишига ёрдам беради. Кесиш ишларининг сўнгида, кўчатнинг бўйини қисқартирамиз. Бунда данакли дарахт бўлса 50, уруғли дарахт бўлса одатда 60 см қилиб кесиб олинади.

Бундан ташқари экишдан олдинги ўғитлаш ишларининг муҳимлигини ҳам таъкидлаш даркор. Унга кўра, ВЛ-77 препаратидан 10 литр сувга

30-40 г миқдорида солиб яхшилаб аралаштирилади ва кўчат томири ботириб олинади. Шунингдек, экилгандан сўнг ҳам тупроққа қўйилса яхши самара беради. Уй шароитида эса, гўнг



ва тупроқдан суяк аралашма ҳосил қилиниб, худди шундай дарахт илдизи ботириб олинади. Бу тадбир кўчатнинг то ўзини тиклаб олгунгача бўлган жараёнда ривожланишига ёрдам беради.

Баъзилар кўчат экиш жараёнида илдиз атрофини тупроқ солингандан сўнг оёқ билан босиб қўйишади. Бу нотўғри. Чунки оёқ билан босилгач тупроқ зичлашади ва унинг орасида ҳаво қолиб кетиш эҳтимоли бор. Чуқурга солинган тупроқ майин бўлмаганлиги учун сув қўйилгач у бир текис сувда эриб, ўз оғирлиги таъсирида ўтиради ва барча ҳавони чиқазиб, илдиз атрофини бир текис тупроқ билан зичлаб олади.







Birgalikda yetishtiramiz!  
Вырастим вместе!  
We grow together!

# ENTOLUCHO 20%

**Шира, трипс ва бошқа зараркунандаларга қарши қўлланиладиган инсектицид!**

## Қўлланиши:

Зараркунандаларга қарши сиртдан ва меъда-ичак орқали ичдан (системали) таъсир этувчи самарали инсектицид. Препарат ўсимлик танасига шимилади ва зараркунанда озикланганда меъда орқали таъсир этади. Шира, трипс, қандалалар, тут парвонаси, коло-радо қўнғизи, визилдоқ қўнғиз, ғовакловчи пашша, қалқондорлар, мевахўрлар, баргўрар қуртлар, тунламлар, чигирткасимонлар, симқуртларга қарши самарали курашади.

Таъсир этувчи моддаси: **Имидаклоприд 20 %**  
Препарат шакли: **эмульсия концентрати**  
Хавфлилиқ даражаси: **III -синфга оид (ўртача хавфли бирикма)**



☎ (+998 78) 147-05-00

🌐 [www.ifoda.uz](http://www.ifoda.uz)

📍 @ifodaagroconsulting

# ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ – ТЕЖАМКОРЛИК ОМИЛИ

PDF Compressor Free Version



Дунё тажрибасидан шу нарса маълумки, томчилатиб суғориш қишлоқ хўжалигида самарали натижага эришишда энг яхши усул бўлиб келмоқда. Шунингдек, ҳосилдорликни ошириш, сифатли меҳнат қилиш, озиқ-овқат хавсизлигини таъминлаш ва албатта сув ресурсларини тежашда ҳам томчилатиб суғориш самарали восита ҳисобланади.

**Томчилатиб суғориш ўзи нима ва у қачон пайдо бўлган?**

Томчилатиб суғориш илк марта 60-йилларнинг бошида Исроилда ишлаб чиқилган ва саноат миқёсида мустақил суғориш тури сифатида жорий қилинган эди. Қисқа вақт мобайнида олинган ижобий натижалар томчилатиб суғориш дунёнинг кўплаб мамлакатларида тез тарқалишига ёрдам берди. Томчилатиб суғориш сувнинг кам миқдорда ўсимликларнинг томир зонасига етиб боришига асосланган. Айти пайтда сув миқдори ва уни узатиш даврийлиги ўсимликларнинг эҳтиёжига қараб тартибга солинади. Сув барча ўсимликларга бир текис ва бир хил миқдорда, ўсимликка қанча керак бўлса, айнан шунча, тупроқни сув босмайдиган ва уни исроф қилмайдиган тарзда келиб туради. Бундан ташқари, сувнинг ўсимликка етказиб берилгунча буғланиб кетиши сабабли юз берадиган йўқотишлар олди олинади.

Ушбу тизим сувни паст босим остида белгиланган тартибда етказиб беришга имкон беради. Бунда сув ҳар

Бу усул иссиқхона, мевали боғлар, маккажўхори, қунгабоқар, пахта ва бошқа сабзавот экинларини етиштиришда жуда қулай ҳисобланиб, ишунчундорлигини ҳам оширади.

**Томчилатиб суғориш тизимининг фойдаси ва афзалликлари**

**Умуман олганда, томчилатиб суғориш тизимининг фойдали жиҳатлари кўп. Қуйида уларни тартиб билан келтирамиз:**

— Сувдан фойдаланиш самарадорлигини 90% гача оширади;

бир ўсимликка кенг қувурлар тармоғи орқали етказиб борилади. Бундан ташқари, ўсимликларга бериладиган ўғитлар суғориш суви билан биргаликда берилиши мумкин (fertigation). Тизимнинг энг муҳими жиҳати — бу ўсимликка зарур бўлган сув ва озиқ моддалар миқдорини оптимал даражада ушлаб туришидир.

ликни стрессиз ўсишига имкон яратади;

**—Туз миқдори юқори бўлган сув билан суғоришни таъминлаш имкони бўлади;**

— Бегона ўтларнинг ривожланишига имкон берилмайди;

**— Агат оралари суғорилмаслиги ва қуруқ қолиши туфайли бегона ўтларнинг ривожланиши камаёди, ўсимлик касалликлари ва зараркундаларининг ривожланиши олди олиниб, бегона ўтларга қарши кураш янада самаралироқ бўлиб, пестицидлар қўлланилишида тежаш имконини ҳам беради;**

— Суғориш билан биргаликда ўғитлаш ва дорилаш имкони бўлади;

**— Ўғит ва дориларни ярмигача тежаш имконини беради;**

— Касалликларни минимал даражага тушириш имкони бўлади;

**— Сифатли ва стандарт ва кўпроқ ҳосил олиш имкони пайдо бўлади;**

— Барча турдаги майдонларда суғориш имкони бўлади. Бошқа суғориш усуллариغا нисбатан паст-баланд



— Сувнинг сирт оқиши ва буғланиш орқали сув йўқотилиши камаёди ва натижада 50% сув тежалади;

— Оз сув берилиши билан ўсим-

майдонларда сув ва тупроқ йўқотмасдан, уни муваффақиятли ва осонроқ қўллаш мумкин бўлади;

**-15-20 кун эртароқ хосил олиш имкони бўлади;**

— Ҳосил 2-3 ҳафта эрта пишади ва меҳнатга бўлган талаб камаяди;

**— Паст босимда ҳам суғориш имкони бўлади;**

— Паст босимда ишлаши сабабли энергия тежаллигини таъминлайди;

**— Сув танқис жойларда ҳам суғоришни амалга оширилиши мумкин бўлади;**

— Бошқа суғориш усулларига қўра меҳнат харажатлари камаяди;

**— Суғоришнинг бошқа усуллари билан таққослаганда суғориш ва ўғитлашга сарфланадиган меҳнат деярли бўлмайди;**

— Назоратли суғориш қилингани сабабли, ўсимлик озуқаларини илдиз атрофидан ювилишини олдини олади;

**— Суғориш вақти шамолга боғлиқ бўлмай, куннинг исталган вақтида суғоришга имкон беради;**

— Маҳсулот сифати ва самарадорлигини сезиларли (20-90% гача) даражада ўсишини таъминлайди;

**— Суғориш билан биргаликда ўғитлаш ва дорилаш ҳам амалга оширилиб, уларнинг таъсир этиш самарадорлиги ортади. Суюлтирилган ўғит эритмаси ишлатилганлиги сабабли, илдизларни ёниш муаммоси ҳам бўлмайди;**

— Тупроқнинг яхши нафас олишини таъминлайди;

**— Қишлоқ хўжалиги техникаларига кетадиган сарф-харажатни тежайди (бензин-дизель, таъмирлаш ва х.к.);**

-1 мартаба чопиқ етарли бўлади;

**— Трактор билан дала ичига кам кирганлиги учун, хосил йўқолиши бўлмайди.**

Сифатли томчилатиб суғориш тизими тавсия этамиз

Шу вақтга қадар томчилатиб суғориш тизими Ўзбекистонда ердан фойдаланувчиларнинг эътиборини етарли даражада қозона олмаган. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бўлса керак, албатта. Кимдир томчилатиб суғориш тизими кўп харажатни талаб этади деса, бундан фойдаланган-



лар суғориш материалнинг сифатсизлиги, узок муддатга ярамаслиги ва сувнинг тиқилиб қолишидан нолийдилар.

Мана шуларни инobatга олган ҳолда "Ifoda Agro Kimyo Himoya" МЧЖ Туркиянинг энг замонавий ва юқори сифатли томчилатиб суғориш тизимлари материалларини етказиб бериш, уларни ўрнатиш ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Айтиш керак, - Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигида экинларни суғоришда қўлланиладиган сув таркибида юқори миқдорда кир, лой ва оҳак мавжудлиги сабабли сувнинг тиқилиб қолиш ҳолатлари тез тез учраб туради.

қувур сифатида, қум ва сув ўтлари билан тиқилиб қолиш хавфини камайтирувчи, полинет (polynet) қувурлари ҳам мавжуд.

### Ёмғирлатиб суғориш тизими

Ёмғирлатиб суғориш томчилатиб суғоришнинг бир тури ҳисобланади. Бунда сув тупроқ юзасига табиий ёмғирга ўхшаш сепиш йўли билан берилади. Бу усулда сув механик пуркагичларга ёпиқ қувурлар орқали олиб борилади ва пуркагичлардан тупроққа сув ёмғири пуркагичлар деб аталувчи ҳаракатланиб айланувчи мослама билан босим остида юборилади.



"IFODA" компанияси тавсия қилаётган суғориш тизими тиқилиб қолишни олдини олувчи энг сифатли пластик хомашёдан тайёрланган ва 3 йил давомида фойдаланиш мумкин бўлган Q22 материалларидан фойдаланилади. Бундан ташқари унда энг сифатли фильтрлаш тизими билан биргаликда асосий магистрал

Тизимни ишлаши учун зарур бўлган босим одатда насослар билан таъминланади. Бу ҳар қандай ерда қўлланилишини таъминлайди. Фақат кучли шамол бўлган вақтда қўллаш самарасиз. Бу пайтда мувозанатли сув бериш имкони бўлмаганлиги боис сув берилмаслиги керак.

# КУЗГИ ТУНЛАМГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

## PDF Compressor Free Version

**Кузги тунлам (Илдиз қурти) зараркунандасининг ғўза ниҳолларига зарари ва қарши кураш чоралари ҳамда Қашқадарё вилояти пахта майдонларида тажриба синов натижалари.**

Илдиз қурти капалаги асосан 500-600 дона тухум қўяди. Об-ҳаво шароитига қараб 3-5 кунда тухумлардан личинкалар ҳосил бўлади. Илдиз қурти бир йилда 3-4 марта авлод беради.

ойининг биринчи ўн кунлигида жойлаштириб капалаклар учишини назорат қиламиз. Феромон тутқичларга бир суткада 2 донадон кўп капалак тушса, шу карталарда биологик интомофаглардан трихограмма 4-6 кун оралатиб 0.5-0.75 граммдан 10x10 схемада тарқатилади.

Кузги тунлам зараркунандаси ҳар 1м 2 да ўртача 1-2 донадан учраса кимёвий ишлов тавсия этилади. Бунда кимёвий ишловни албатта мутахассис билан бамаслаҳат ўтказинг. Зараркунандага тавсия қилинмаган пиритроит инсектоцидларни нотўғри қўллаш оқибатида бошқа турдаги зараркунандаларнинг кўпайиб кетишига йул қўймаслик керак. Илдиз қуртига қарши таркибида индосакар тутувчи Энтовант 1/га 0.5 лт ёки Энтовант про 1/га 0.250 кг сарфлаб албатта сирт фоал моддаси Селвир 1/га 0.2 л билан биргаликда 1/га майдонга 250-300 лт ишчи суюқликка аралаштириб берилади. Бу эритмани кечки пайт қўллаш тавсия этилади.

Тажрибаларимиздан шу нарса маълум бўлдики, Қашқадарё вилоятининг Миришкор Касби, Косон, ва Қарши тумани пахта майдонларида 2019 йилда илдиз қурти билан зарарланган, керакли кўчат сонини йўқотишига таъсир ўтказиб, ҳосилдорликни камайишига сабаб бўлган далаларни ҳам учратдик. Албатта улар орасида ўз вақтида сифатли ишлов бериб кўчатни ва ҳосилни сақлаб қолган фермер хўжаликлари ҳам кўплаб топилди. Мисол учун 2019 йилнинг 23 май санасида Миришкор тумани Тошкент ҳудудида жойлашган Сабрина ф/х раҳбари таклифига кўра, пахта



### Кузги тунлам (*Agrotis segitum*)

илдиз кемирувчи зараркунандаларидан бўлиб, унинг қуртлари ғўзани фақат ниҳоллик вақтида зарарлайди. Унинг қуртлари чигитдан униб чиқаётган уруғ паллаларни шикастлаб тешади. Илдизларни ёки илдиз бўғзи яқинидаги пояни кемириб. Кўчатни нобуд қилади. Кузги тунламнинг 4 та ҳаётий шакллари мавжуд бўлиб, булар тухум, личинка, ғумбак ва етуклик даври, яъни, капалак. Кузги тунлам сўнгги икки ёшидаги қуртлик даврида тупроқнинг 5-15 см чуқурликдаги қатламида қишлаб, баҳорда ўртача ҳарорат + 10° С дан ошганда қишловдаги қуртлар тупроқнинг 5 см чуқурлигида ғумбакка айланади. Ғумбаклардан 15-30 кунда капалаклар учиб чиқади. Илдиз қуртининг капалаклари апрель ойининг биринчи ўн кунлигиданоқ уча бошлайди. Капалакларнинг учиши Ўзбекистон шароитида апрель – май ойларигача давом этади ва бу ҳодиса 40 кун ҳатто 60 кунгача чўзилиши мумкин. Капалаклар 20-40 кун яшайди ва қўшимча гул нектарлари билан озиқланишга жуда муҳтож бўлади. Илдиз қуртининг капалаклари 3-7 кундан сўнг тухумларини ўсимликлар боғларига ёки ва тупроқ бетига (биттадан ёки кичикроқ туп-туп қилиб) қўяди.

**Кураш чоралари:** Зараркунандаларга қарши курашишда биринчи навбатда ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя тизимига катта этибор қаратишимиз керак. Бунда ҳар бир агротехник чора-тадбир ўз вақтида сифатли ўтказилишига қатъий риоя қилишимиз зарур. Ўсимликларни ҳимоя қилишда агротехник чора - тадбирлардан кейин мониторинг жуда муҳим ҳисобланади. Йиллик башоратномага қараб биз зараркунанда тарқалиши мумкин бўлган майдонларни аниқлаб, шу жойларга мониторинг ўтказиш мақсадида айнан кузги тунламга қарши махсус феромонлардан фойдаланиб, ҳар 2 гектар майдонга бир донадан апрель



PDF Compressor Free Version



майдонлари кўздан кечирилганда 1 м<sup>2</sup> да 2-3 дона 2-4 ёшли кузги тунламнинг личинкалари пахта ниҳолларига кучли зарар келтираётгани кузатилиб, керакли тавсиялар (Энтовант про 1/га 0.250 кг+ Селвир 0.20 лт ) берилган. Шу куннинг ўзида кимёвий ишлов берилган. 3 кундан кейин қайта бориб ўрганганимизда 85-90% самарадорликка эришилган. Касби тумани Ғалаба ҳудуди **Эшонқулов ф/х** раҳбари таклифига биноан, 2019 йил 15 май санасида пахта майдонлари ўрганганимизда ҳар 1 м<sup>2</sup> да ачок жойларида 4-7 донагача ҳар хил ёшдаги қуртлар зарари кўрилиб кимёвий ишлов ўтказиш таклифи берилган. Шу куннинг ўзида таклифимизни амалга ошириб (Энтовант про 1/га 0.250 кг+ Селвир 0.2 лт ) ҳисобида қўлланган. 2019 йил 18 май санасида келиб кимёвий ишлов самарадорлиги ўрганилганда биологик самарадорлик 85-87 %лиги кўрилган. Косон тумани Гулбоғ ҳудуди **Гулбоғ Қуёши ф/х** раҳбари И. Давлатовнинг 2019 йил 20 май санасидаги таклифига кўра, шу кун пахта майдонлари кўрилганда кузги тунламни 1 м<sup>2</sup> да 1-3 дона 2-4 ёшли личинкалари борлиги аниқланган ва кимёвий воситаларни (Энтовант 1/га 0.5 лт + селвир 0.2 лт) қўллаш тавсия қилинган. 2019 йил 25 май санасида фермер хўжалиги пахта майдони бориб ўрганилганда кимёвий ишлов самарадорлиги 83-88% ни кўрсатган. Қарши тумани Намуна ҳудуди

"Ҳасан-Хусан Пўлат ўғли" ф/х раҳбари Х. Пулатовнинг 2019 йил 10 май кун таклифига кўра, пахта майдонлари кўрилганда, 1м<sup>2</sup> да 1-2 дона 2-3 ёшли кузги тунлам личинкалари ёш ғўза ниҳолларини зарарлаётгани аниқланиб, Энтовант 1/га 0.5 лт+ Селвир 0.2 лт қўллаш таклифи берилган. 12 май санасида кимёвий ишлов ўтказилган. 16 май санасида кимёвий препаратлар самарадорлигини ўрганганимизда, 80-86 % ни кўрсатган.

Олти йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб сизларга шуни айтишим мумкин, қишлоқ хўжалигидаги зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларга ўз вақтида профилактик ишловлар билан юқори ва сифатли ҳосил олиш имконияти ошади. Биргина илдиз қурти зараркунандасининг зарари билан керакли кўчат сонига 110-120 минг ўрнига 60 -70 минг, пахта ҳосили эса 40- 50 % гача йўқотиш мумкин.

**Фаррух Мардонov,  
Қашқадарё вилояти  
етакчи агрономи.**

# Юқори ҳосилдорликка қаратилган замонавий технологиялар

Сўнги йилларда Республика иқтисодиётининг етакчи соҳаси бўлмиш қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш, ишлаб чиқаришда кластер усулини жорий этиш, етиштирилган ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини максимал амалга ошириш борасида муҳим ўзгаришларни кечириб, жадал ривожланиб бормоқда. Буларнинг барчаси фермердан ўз фаолиятига янгича ёндашувни талаб этади. Шу жумладан ер ресурслари билан тобора самарали фойдаланиш учун замонавий технологияларни жорий этилишидир. "IFODA" компанияси ўз шериклари билан ҳамкорликда Ўзбекистон фермерларига ушбу имкониятни тақдим этиш ҳаракатида.

2017 йилдан буён компаниянинг стратегик ҳамкорларидан бири ўсимликлар ҳимояси воситаларини ишлаб чиқарувчи, **МДХ ва Россия ҳудудида 20 йилдан ортиқ тажрибага эга Россиянинг "АгроХимПром" компаниялар гуруҳидир.** Компания гуруҳи ўз фаолиятида доим илғор ривожланишга, маҳсулотларини яхшилашга ва бозорга олди технологиялар асосида яратилган янги препаратларни чиқаришга ҳаракат қилади. Сўнги йиллари "АгроХимПром" Россия ўсимликлар ҳимояси бозорининг асл новаторига айланди. "АгроХимПром" нафақат препаратларни ишлаб чиқариши ва жорий қилиши билан, балки фермерларга турли иқлим шароитларида кенг қамровли қишлоқ хўжалиги экинларида яхши натижаларга эришишга ёрдам берадиган тўлиқ инновацион технологиясини ишлаб чиқиши билан танилган.

Урғу серсамарали табиий антисептик — кумушга берилган. Кумушни патогенларга қарши фаоллиги ҳамда кучли иммунизациялаш ва ўсишни кучайтириш хусусиятлари туфайли ўсимликшуносликда қўллаш ғояси анча аввал ҳам бор эди. Айнан "АгроХимПром" мутахассислари дунёда биринчи бўлиб "кумуш инновацияларини" қишлоқ хўжалигида барқарор қўлланилиши даражасига етказишни уйдасидан чиқишди.

2013 йилдан буён "АгроХимПром" компаниялар гуруҳи Россиядаги М. В. Ломоносов номидаги **Москва Давлат Университети кимё факультети олимлари** билан яқин ҳамкорликда қишлоқ хўжалигининг асосий вазифаларини ечимини топишга имкон берадиган ўсимликшунослик соҳасида умуман янги таъсир этувчи моддани яратиш йўлида иш олиб борган. Шу йўналишда коллоид кумушнинг стабиллаш **SCS.technology технологияси яратилган ва патентланган. Технология экинларни бактериявий ва замбуруғли шу билан бирга йўқ қилиниши машаққатли бўлган касалликлардан комплекс ҳимоясини ва қишлоқ хўжалигида маҳсулдорликни ошириш ва олинган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни таъминлайди.**

SCS.technology препаратларининг таркибига кирувчи коллоид кумушнинг турли стабилизаторларидан фойдаланиш кумуш парчаларини "йўналтириш"га ва белгиланган вазифани бажаришга имкон беради. Кумуш стабилизаторларини ва концентрацияларини миқдорини ўзгартириш натижасида компания турли йўналишдаги препаратларни ишлаб чиқаришга эришди. Бугунги кунда SCS.technology йўналиши 3 та препаратдан иборат бўлиб, уларнинг 2 таси Ўзбекистонда яхши натижа кўрсатиб қўлланадиган келмоқда: ўсимликларни ўсиш жараёнини тартибга солувчи фунгицид таъсирли Zerebra<sup>®</sup> Agro препарати ва трансламинар таъсирли фунгицид ва бактерицид Zerohxe<sup>®</sup> препарати.

SCS.technology нинг илк ва энг танилган препарати Zerebra<sup>®</sup> Agro бўлиб, ушбу препарат Россия Федерациясида 2014 йил рўҳатдан ўтказилган ва шу пайтгача нафақат Россия, балки яна 14 давлат агрономларининг ишончли ёрдамчисига айланган — ҳар йили Zerebra<sup>®</sup> Agro препарати билан 3 млн. гектардан ортиқ экин майдонларига ишлов берилади. Охириги 3 йил ичида ушбу маҳсулот Ўзбекистон майдонларида ҳам эътиборга лойиқ натижалар кўрсатиб келмоқда. Бошқа ўсиш

стимуляторлар орасида Zerebra<sup>®</sup> Agro ажратиб турадиган аҳамиятли хусусияти шундаки, бу препарат ўсимликка комплекс равишда таъсир этади ва бирданига қатор вазифаларни бажаради. Шу туфайли препарат қишлоқ хўжалигининг маҳсулдорлигини ошириш йўлида меҳнатга қўл урган фермер/деҳқонлар учун энг ишончли воситадир.



**Эдуард Путилин**

"АгроХимПром" компаниялар гуруҳининг ўсимликларни химиялаштириш ва ҳимоялаш бўлими раҳбари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

"IFODA" компаниясидаги ҳамкасбларимиз билан биргаликда 3 йил давомида биз Zerebra<sup>®</sup> Agro препаратининг пахта, кузги буғдой, мевали ва данакли ҳамда сабзавот экинларида синовдан ўтказиш ва кенг амалда қўллаш бўйича жиддий ва самарали иш олиб бордик.

Вегетация ва ҳосилдорлик (экинларни даладаги унвчанлигини ва маҳсулдорлигини ошириш, фаол ўсиш жараёнини таъминлаш, ва етиштирилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш) жараёнларини бошқаришда ҳам, экин касалликларини олдини олиш ва тарқалишини тўхтатиб қолиш борасида ҳам препарат ўзининг юқори самарадорлигини намойиш этмоқда.

Бугун ушбу маҳсулот Ўзбекистонда кенг қўлланилиб келинмоқда ва илғор деҳқон хўжаликлари орасида ҳам анча танилган. Препарат самаравор бўлганлиги учун унга бўлган ишонч юқори. Фермерлар буни аллақачон тушуниб етишган ва ўз далаларида тажриба сифатида қўллаб келишмоқда.

Шунингдек, Zerebra® Agro билан молявий тарафдан ҳам фойда кўрса бўлади. Яъни, препаратнинг гектарга сарфланадиган сарф меъёри бошқа шу каби кимёвий воситалардан анча арзонга тушади. Демак, уни қўлланилиши экинларни нафақат касалликлардан, стресс ҳолатлардан ҳимоя қилиб, юқори ҳосил олишга ёрдам беради, балки экинларни комплекс ҳимоялашни қўллаш натижасида иқтисодий кўрсаткичлар ҳам яхшиланади



"IFODA" ва "АгроХимПром"нинг ҳамкорлиги фақатгина бу маҳсулот билан чегараланиб қолгани йўқ. Ҳозирги кунда бутун дунё қишлоқ хўжалиги учун ўсимликлар касалликлари ер эгаларига катта зарар етказувчи биринчи ўриндаги муаммога айланган; айниқса пахтанинг фузариоз вилти, мевали экинларнинг бактериологик куйиши, сабзавотларнинг бактериологик раки (буқоқи) каби йўқ қилиниши машаққатли бўлган ва карантин каа-



дорлигига тўсиқ бўлиши мумкин бўлган касалликларнинг кам қисми ҳолос.

Ўзбекистон агро соҳасининг янги препаратларга шу билан бирга жиддий касалликлар билан кураша оладиган фунгицидларга эҳтиёжи катта. Шу мақсадда "АгроХимПром" 2018 йили SCS.technology патентланган технологиялар асосида ишлаб чиқилган — трансламинар таъсир этувчи фунгицид ва бактерицид Zerox® препаратини Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказди.

Республика учун бу янги препаратнинг ўзига хос хусусияти кенг спектрдаги патогенларга, шу билан бирга йўқ қилиниши машаққатли ва карантин касалликларига қарши таъсири юқорилиги ва препаратни гуллаш ва ҳосил бериш пайти қўлланилиши мумкинлигидир. Бу эса препарат хавфсиз деганидир (инсон учун хавф классси — 4, ҳашаротлар учун хавф классси — 3), таркибида антибиотиклар йўқлиги ва коллоид кумушнинг юқори таъсири туфайли препарат экологик бўлгани учун, таркибида металллар мавжуд бўлган аънанавий фунгицидларга қараганда препаратнинг қулланиш дозаси жуда кам.

2018–2019 йиллар мобайнида "АгроХимПром" ва "Ифода" мутахассислари дала шароитида ҳимоянинг



энг самарали схемасини тузиш ва текшириш учун Zerox® препаратини мавжуд агротехнологияларга фаол жорий этишди. Авваламбор бу ҳаракатлар Ўзбекистоннинг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўлмиш пахтага қаратилган эди. Охириги йилларда пахта фузариоз вилт касаллигига чалиниши фермерларга жиддий молявий муаммо туғдирмоқда. Шунингдек компаниялар мутахассислари томонидан мевали экинларнинг (олма, нок) бактериал куйишига, томатнинг бактериал ракига қарши юқори самарали профилактика ва курашиш схемалари ишлаб чиқилди. Бу эса Касалланишларни анчага камайтириб, ҳосилни асраб қолишга ёрдам берди.

Бу мавсумда ҳам мутахассилар ўсимликларни ҳимоялаш ва озиклантириш бўйича дастурларни янада мукамаллаштириш йўлида излашниларни давом эттирадилар. Бироқ ҳозир ҳам SCS. technology (Zerebra® Agro, Zerox®) препаратларини, сапропел асосидаги Bigus® биопрепаратини "Ифода" компаниясининг маҳсулотлари билан бир пайтда қўлланилиши юқори кўрсаткичларга олиб келмоқда. Экинларнинг ўсиш жараёнини бошқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини яхшилаш йўлида бўладими ёки йўқ қилиниши машаққатли ва карантин касалликларига қарши курашишда бўладими препаратларнинг самараси юқоридир

Журналнинг кейинги сонларида биз сизларга бу препаратларнинг пахтада, буғдойда, мевали ва сабзавот экинларида қўлланиши ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз ва препарат туфайли эришилган натижалар тўғрисида сиз билан ўртоқлашамиз. Экинларни касалликлардан ҳимоя қилиш ва юқори ҳосил олиш энг мақбул дастурлари билан сизни таништирамиз.

PDF Compressor Free Version



Рауфжон РУСТАМОВ,  
“ФАЙЗ” фермер хўжалиги рахбари



# “ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП”

PDF Compressor Free Version  
ғалладан 100 центнер ҳосил олган фермер билан суҳбат

Инсон ҳаёти учун зарур бўлган неъматлар кўп. Улар ичида энг азизи шубҳасиз – нон. Бу неъмат то дастурхонга қўйилгунга қадар бободехқон ҳузур ҳаловатини унутиб, далага боғланиб яшайди. Меҳнат қилади, тер тўқади. Деҳқон дегани шу-да, умид билан ерга қадаган уруғи баракали ҳосил бермагунича тинчимайди, кўнгли таскин топмайди.

Республикамызда ҳам мана шундай заҳматкаш миришкорларимиз ғалла майдонларида етиштирган ҳосилининг мисқолигача нест-нобуд қилмай йиғиштириб, юртимиз хирмонини, халқимиз дастурхонини тўлдириш

**-Рауф ака биламизки, фермерлик сизга бегона эмас. Анча йиллардан бери бу соҳада фаолият кўрсатиб келасиз. Айтингчи, фермернинг “нон”и ширинми?**

-Тўғри таъкидладингиз, бу соҳа менга ота касб. Ёшлигимиздан ер билан тиллашиб, агроҳўжаликнинг барча сир-синаотини пухта ўзлаштирганмиз. Энди фермернинг “нон”ига келадиган бўлсак, бир ҳисобдан ширин, бироқ жуда қаттиқ ҳам. Чунки бунда меҳнат бор, машаққат бор, лекин ҳаловат йўқ. Ҳаловат деганда тўғри тушунишингизни истардимки, деҳқончиликда кўзлаган натижага

-Йўқ, юқори ҳосил олиш учун фақат меҳнатнинг ўзи камлик қилади. Бунда соҳага илмий ёндашув жуда муҳим. Яъни ўсимликни ўғитлаш, кимёвий ишлов ўтказиш, касаллик ва зараркунандаларни аниқлаб, уларга қарши курашиш, керакли озукани бериш ва ҳоказо. Бизнинг юқори хирмон кўтаришимизнинг асосий сабаби ҳам айнан шу. Бу борада Ифода компанияси билан анча йиллардан бери бирга ишлаб келамиз. Унинг агрономлари доимий равишда бизга ўз маслаҳатларини бериб келади. Мавсум давомида даламизга келиб, ўсимлик ҳолатини аниқлаб қайси пайтда озиклантириш зарур, касаллик, зараркунандаларга



ва ўз даромадларини ошириш ниятида даладан бери келмайди. Насибага қараб, кимдир 40 центнер, кимдир эса 60, 70 центнердан буғдой олади. Аммо Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги мазкур “Файз” фермер хўжалиги ўтган мавсумда оз эмас, кўп эмас нақ 100 центнердан ҳосил олиб, хирмон кўтарди. Бунинг сирини билиш мақсадида хўжалик раҳбари Рауф РУСТАМОВ билан суҳбат ўтказдик.

эришишингиз учун тинимсиз ҳаракат қилишингиз керак. Ахир кетмони занглаган деҳқон деҳқон эмас-да!

**- Сўзни жуда ўрнида қўллагингиз, фикрингизга қўшиламан. Энди айтингчи, юқори ҳосил олиш учун фақат меҳнатнинг ўзи етарлими? Ўзи умуман, сиз ғалладан 100 центнерга эришиш учун нималар қилдингиз? Қандай ишловлар ўтказдингиз?**

қарши қанақа препарат, қанча миқдорда қўллаш керак ва шу каби тадбирларда доимий ёрдам бериб келишади.

Ўтган мавсумда ҳам “Ифода” билан биргаликда ишладик. Бунда биринчи бўлиб уруғни дорилашдан бошладик. Яхши ҳосил олиш учун бу жуда муҳим. Чунки бу орқали 100 фоиз ҳосил униб чиқишига эришиш мумкин.

## -Қандай кимёвий ишловлар ўтказдингиз, тартибини айтиб беринг...

-Биринчи бўлиб 1 тонна уруғлик буғдойга 1 литр микдорда ВЛ-77 препараты билан дориладик. Жуда яхши самара берди. Кейин эрта баҳорда ўсимлик фосфорга талабчанлиги юқори бўлишини ҳисобга олиб, гектар ҳисобига 2 литрдан ИФО ПЗН препаратини ишлатганмиз. Навбатдаги ишловда ВЛ-77 ҳамда ДАЛАТЕ ПЛУС кимёвий воситасини қўшимча сифатида қўлладик. Бундан мақсад эрта баҳорда ёғингарчилик кўп бўлганлиги сабабли ўсимлик стрессга тушади ва ривожланиши секинлашади. Ҳар хил ҳашоротлар, шилимишққурт, шира, трипс, хасваларга қарши ДАЛАТЕ ПЛУС препаратини ишлатганмиз. Кейинги ишловимиз Це-Це ва ВУКСАЛ МАКРО МИКС препаратини аралаштириб сепганмиз. Бу ғалланинг поясини қалинлаштириб, бўғинлар сонининг қисқаришига ва озуқани бошоққа самарали етказиб беришига хизмат қилади. Шунинг ҳисобига дон тўлик бўлади. Ғалла эндигина бошоққа кирганда зарарли хасва, шира, трипс ва бошқа зараркунандалар ўсимлик ширасини сўриб, буғдойнинг пуч бўлиб қолишига олиб келади. Бу вақтда уларга қарши жиддий курашилмаса бўлмайди. Шунинг учун ЭНТОЛУЧЧО 300 гр, ЗЕРЕБРО АГРО 200 гр дан бердик. Бундан ташқари бегона ўтларни йўқотиш мақсадида ЭНТОСТАР гектарига 20 гр дан ишлатдик. Умуман олганда, ғалла учун зарур бўлган макро ва микро элементлар билан етарлича таъминладик.

**-Халқимизда бир яхши гап бор: “Фермерлик – тадбиркорлик дегани”. Сўнги пайтларда ҳам юртимизда фермерларга шу кўз билан қараяпти, катта имкониятлар, кенг шароитлар, етарлича имтиёзлар ажратилаяпти. Умуман қишлоқ хўжалигига ҳозир эътибор катта. Буларнинг барчаси Юртбошимиз таъкидлаган “ери бор одам бой яшаши керак” сўзлари билан ҳаммоҳанг, шундай эмасми? Шу маънода айтингчи, сиз қанчалик иқтисодий самарага эришдингиз?**

-Яъни, “Ифода” билан ҳамкорлигингиз сизга қанчалик фойдали бўлди демоқчисиз, шундайми?

-Ҳа...

-Яхши савол бердингиз. Албатта, иқтисодий фойда кўрдик, буни яширмай-

миз. Мисол учун авваллари 1200-1300 кг минерал ўғит берардик. Бу компания билан ишлаганимиздан бери 600 кг минерал ўғит бераяпмиз. Бу ярим бараварга иқтисодимиз тежалди дегани, тўғрими? Бундан ташқари компаниянинг ишлаб чиқараётган препаратлари сифатли ва яхши самара бермоқда.

Суҳбат давомида фермернинг қанчалик иқтисодий самарага эришаётганини оддий арифметик ҳисоб-китоблар орқали хомчўт қилиб кўрдик. Унинг айтишича, авваллари буғдой даласидан 70 центнер ҳам ҳосил ололмаган. Демак, ўз-ўзидан унга қўшимча сифатида 30 центнер, яъни гектаридан 3 тоннагача буғдой фойдага кирмоқда. Доннинг 1 кг 1500 сўм деб ҳисоблайдиган бўлсак, шу 40 гектарли ернинг ўзидан 180 миллион сўм қўшимча даромад кўрмоқда. Эътибор қилинг, гап бор йўғи 30 центнер ҳақида кетаяпти. Бундан ташқари 1 тоннадан зиёд сарфланадиган минерал ўғит 600 кг гача туширилган. Бу ҳам иқтисодий самара, шундай эмасми? Ана энди ғалла парвариши давомида унга берилган барча препаратларнинг нархини ҳисобласак.

Етакчи агроном Шукрулло Каримовнинг чамалаб кўришича, даланинг ҳар бир гектарига 357 минг сўмлик маҳсулот ишлатилган. 40 гектарли майдонга эса жами 14 миллион 280 минг сўмлик ҳаражат синган. Ҳалиги даромад – 180 миллион сўмдан сарфланган маблағни айирсак, ғалладан 165 миллион 720 минг сўм соф фойда қолмоқда. Аҳамият бераяпсизми, бу фақат қўшимча ҳосил – гектаридан 30 центнерли буғдой учун, холос.

Шу ўринда айтиш керакки, юқори хирмон кўтариб эл-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган, ертўламиниз донга тўлдириб, халқимиз ризқу-насибасини бутун қилаётган миришкорларимиз доим соф бўлишсин. Ифода компанияси уларга кўмак беришга ҳамisha тайёр.

**Эрли НОРБЕКОВ суҳбатлашди**

**PDF Compressor Free Version**



**Рауфжон РУСТАМОВ**

Аслида Рауф акага фермерлик бегона эмас. Бу унга ота касб. Ёшлигидан ер билан тиллашиб, агрохўжаликнинг барча сир-саноатларини пухта ўзлаштирган. Шу боис ҳам ҳар йили белгиланган режани ортиғи билан бажариб, юзи ёруғ бўлиб келмоқда. .

# ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

PDF Compressor Free Version

Музроб TOFAEB

Сўнгги йилларда юртимизда аграр соҳада, хусусан, пахтачилик, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кластерларнинг ташкил этилиши ва уларга яратилаётган имтиёзлар, пахта-тўқимачилик саноати корхоналарида илғор техника ҳамда технологияларнинг кириб келгани айниқса диққатга сазовордир.



2019 йил 3 декабрь куни "Пойтахт" бизнес марказида «Ўзтўқимачилик-санот» уюшмаси томонидан "Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ташкилотчилари ва кластерларининг 2020 йилда амалга ошириладиган устувор лойиҳалари" мавзусида амалий семинар ўтказилди. Унда бир қатор вазирлик ва идора вакиллари, соҳага оид йирик компаниялар, кластер раҳбарлари, мутахассислар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Бош Вазир маслаҳатчиси Нодир Отажонов тармоқда бўлаётган ўзгаришлар, ютуқ

ва камчиликлар, долзарб масалалар, шунингдек, кластерлар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда келгусидаги режалар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтди.

–Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, аграр ишлаб чиқаришда кластер тизимининг жорий этилиши бир қатор афзалликларни туғдирди, – дейди **"Ўзтўқимачилик-санот" уюшмаси раиси Илҳом ҲАЙДАРОВ.** – Эндиликда пахта етиштиришдаги мавжуд амалиёт тамомила янгича ёндашув асосида ташкил этилиб, пировардида бу сифатли ва баракали, муҳими, кафолатланган ҳосил олишга, фермерлар учун барча шароитларни яратишга, уларнинг манфаатдорлигини оширишга, умуман, пахтачиликни сердаромад ва унумдор фаолиятга айлантиришга хизмат қилмоқда. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, энди пахта хом ашёсининг бари ўзимизда қайта ишланиб, тайёр маҳсулот сифатида ички ва ташқи бозорларга чиқарилиши, тўлиқ технологик жараёнларда соҳани якуний натижага йўналтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Қолаверса, чекка қишлоқ ҳудудларида саноатнинг ривожланиши, янги иш ўринларининг яратилиши ҳам мазкур ўзгаришларнинг ёрқин самараси деса бўлади.

Албатта, қайта ишланадиган маҳсулот сифатли, харидорбоп ва жаҳон стандартларига жавоб бериши даркор. Аслида, пахта тўқимачилик кластерларини ташкил этишдан бош мақсад ҳам айнан шунда эди. Рақамларга тўхталадиган бўлсак, 2017 йилда бор йўғи 1 дона кластер ташкил этилганди. 2018 йилда уларнинг сони 15 тага, жорий йилда эса бу кўрсаткич 75 тага етказилди. Келгуси йилда кластерларни яна 16 тага кўпайтириш кўзда тутилган.

Шунингдек, тадбирда пахта етиштиришда сифатли ўғитлар, биологик ва кимёвий препаратлар билан таъминлаш масаласи ҳам

кўриб чиқилди ва хусусан "Ифода" компанияси мутахассислари томонидан қатор амалий таклифлар билдирилди.

**Фазлиддин ИБРАГИМОВ,**  
**"IFODA AGRO KIMYO NIMOYA" МЧЖ**  
**директори ўринбосари:**



–Пахта етиштиришда сифатли ўғитлаш жудаям муҳим. Сўнгги пайтларда тажрибаларимизда кўряпмизки, ғўзани озиклантиришда инновацион усулдан фойдаланиш жуда самарали. Яъни, ўсимликка керак бўладиган макро ва микро элементларни япроқ орқали ўз вақтида бериш озуканинг яхши ўзлаштирилишини таъминлайди ҳамда ривожланишини тезлаштиради. Натижада эса юқори ҳосилдорликни таъминлайди. Компаниямиз бу борада қатор изланиш ва тажрибалар ўтказди. Хусусан, биз билан ҳамкорликда ишлаган Самарқанд ва Наманган вилоятларидаги хўжаликларда ўтган мавсумда пахтадан 60 центнергача ҳосил олишга эришилди.

Шу ўринда айтиш керакки, бу йил илк мартаба кластерлар томонидан юртимизда органик пахта етиштирилишга эришилди. Бунда бир қатор мутахассис ва олимлар ҳамкорликда иш юритиб, ҳеч қандай кимёвий ёки бошқа унсурлардан фойдаланмаган ҳолда сифатли органик пахта етиштирилди ва Европанинг сертификатлаш компанияси томонидан тасдиқланди.

Тадбир сўнггида, йил давомида самарали меҳнат кўрсатиб, кластер тизимини ривожлантиришга ўз ҳиссаларни қўшган бир қатор пахта-тўқимачилик кластерлари вакиллари фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.



# IFO-PZN

PDF Compressor Free Version



*Birgalikda yetishtiramiz!  
Вырастим вместе!  
We grow together!*

## СУЮҚ NP ҶҒИТИ

### Қўлланиши:

IFO-PZN ўғити қишлоқ хўжалиги экинларида қўлланиладиган махсус ўғит бўлиб, у экиннинг хўжайрасини бақувват қилиш, экинни ривожлантириш, яхши гуллаши ва гул тутишини таъминлаш, меванинг сифат даражасини ошириш мақсадларида қўлланилади. Айниқса, ўсишнинг илк босқичларида, совуқ ҳароратларда ва оҳақли тупроқларда экиннинг рух ва фосфор моддаларига бўлган эҳтиёжини қондиради. Уруғларнинг униб чиқиши ва илдиз ҳосил бўлишини таъминлаб, ўсимликни фаоллаштиради. Экин танасидаги биокимёвий жараёнларни зарур энергия билан таъминлайди. Шохларнинг ўсишини тезлаштиради, паст ҳароратларда ҳам гуллашнинг тўлиқ ва бир текисда бўлишини таъминлайди.

Умумий Азот (N)	3%
Умумий Фосфор (P O5)	25%
Умумий сувда эрувчан Рух (Zn)	5%
pH	1-3



☎ (+998 78) 147-05-00

🌐 [www.ifoda.uz](http://www.ifoda.uz)

📍 @ifodaagroconsulting

# ДЕҲҚОН ОДАМ ДОН СОЧАР, ЭЛ-ЮРТИГА НОН СОЧАР,

## ёхуд "IFODA" билан 100 центнер

### Дониёр МИРУСМОНОВ

Деҳқон халқнинг рисқи. Ҳам ўзининг, ҳам элнинг дастурхонини тўкин қилиш мақсадида ерга уруғ қадайд, меҳнат қилади. Йил давомида хирмони юксак бўлиши учун ҳаракатда бўлади ва самараси яхши, ҳосили мўл бўлса димоғи чоғ бўлади. Ўтган мавсум юртимиз ғалла майдонларида чинакам барака тўкилди. Мутахассисларнинг айтишича, заминимизда ўтган йилги ғалланинг чўғи ҳар йилгидан юқорироқ бўлди. Фермер хўжаликларида қуздан бошлаб қилинган машаққатли меҳнатнинг ҳосилидан мўл хирмон кўтарилди. Айниқса, бугун деҳқончиликка замонавий илм ва услублар билан ёндашаётган фермерлар кўзлаган, чамалаган ҳосилини ортиғи билан йиғиб олди. Хусусан, "IFODA" билан ҳамкорлик қилиб 100 центнердан сара дон олган фермерлар...

Бухоро вилояти Фиждувон туманидаги "ФАЙЗ" фермер хўжалиги бу йил гектарига оз эмас, кўп эмас нақд 100 центнердан ҳосил олиб, хирмон кўтарди. Бунинг сирини хўжалик раҳбари қуйидагича изоҳлайди.

**Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги "ТИЛЛАБОВЕВ ҲОСИЛИ МЎЛ" фермер хўжалиги раҳбари Аъзамжон Нурмирзаев** ҳам яхши ният ила 48,8 гектар майдонга бугдой экиб, кўпчилик миришкорлар ҳавас қила-

диган ҳосил кўтарди. У ҳам гектаридан 100 центнерга яқин ғалла олди. Табиийки, Аъзамжон ака бундай кўрсаткич орқали шартнома режасини ортиғи билан бажарибгина қолмай, ҳам ўзининг, ҳам елкадош ишчиларнинг оиласига даромад-у, кут-барака олиб кираётганидан мамнун.

### Аъзамжон НУРМИРЗАЕВ, "ТИЛЛАБОВЕВ ҲОСИЛИ МЎЛ"



### фермер хўжалиги раҳбари:

–Яратганга шукур, ҳосилдорлик кутгандан ҳам аъло даражада бўлди. Бундай мўл ҳосил вужудга келишининг энг биринчи омилларидан бири – бу "IFODA" билан ҳамкорлик қилаётганимда. Компаниянинг тажрибали агрономлари ерларимизни ўрганиб, мавсум давомида зарур ўғитларни, самарали гербицид, стимуляторларни

вақтида ва меъёрида қўллаш бўйича қимматли тавсиялар бериб боришди. Биз бундан жудаям ҳурсандмиз.

Таъкидлаш керакки, Республикамининг барча ҳудудларида компаниянинг малакали мутахассислардан иборат агрономлар жамоаси деҳқон ва фермерларимизнинг экин майдонларини доимий назорат қилишади ва ўсимликларни ҳимоя қилиш, ҳо-

силни сақлаб қолиш, кўпайтириш бўйича амалий маслаҳатлар берадилар. Таклиф этилаётган кимёвий препаратлар ёрдамида ҳосил мўл бўлса ва юқори даромадга эришилса, албатта барча мамнун. Зеро, "IFODA" нинг олий мақсади ва шиори ҳам мўл, сифатли ва юқори даромад келтирувчи ҳосилни мижозлар билан биргаликда етиштиришдир!





Birgalikda yetishtiramiz!  
Вырастим вместе!  
We grow together!

PDF Compressor Free Version

# ENTOGLIFOS 50%

Бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли ҳамда икки паллали бегона ўтларга қарши курашда қўлланиладиган гербицид!

## Қўлланиши:

Қишлоқ хўжалиги экинларини экиш режалаштирилган майдонларда бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли ҳамда икки паллали бегона ўтларга қарши курашда уларнинг фаол ўсув даврида қўлланиладиган гербицид. Шунингдек, боғлар ва узумзорлар, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайди-ган ерларни бегона ўтлардан ёппасига тозалаш учун ҳам юқори самара беради.



**Таъсир этувчи моддаси: глифосат 50%**  
**Препарат шакли: сувли эритма**  
**Хавфлилик даражаси: III-синфга оид**  
**(ўртача хавfli бирикма)**

☎ (+998 78) 147-05-00

🌐 [www.ifoda.uz](http://www.ifoda.uz)

📍 @ifodaagroconsulting



Препарат номи	Кўллаш муддати	Мақсади	Натижа	
<b>Биринчи ишлов</b>				
IFO PZN (фосфор 25%, Цинк 5%)	10 фев- 10 март	Фосфор: Ғалланинг туплашини кучайтиради Рух: Илдиз тизимини ривожлантиради	<p><i>Ғаллада гектаридан <b>70-75 центнер</b> ҳосил олишга эришилади</i></p>	
ANKASUPER (Аминокислоталар 9%)		Аминокислота ва органик моддалар бошқа озукаларнинг фаол ўзлашишини таъминлайди		
<b>Иккинчи ишлов</b>				
ENTOSTAR (Трибенуролметил)	15-30 Март	Кенг баргли бегона ўтларга қарши		
ENTOPIK (Клодинафоп тефурил)		Бошоқли бегона ўтларга қарши		
IFO UAN 32 (Суюк азот 32%)		Ўсимликнинг азотга бўлган эhtiёжини қондиради		
IFO HUMATE PLUS (Гумин кислотаси 65%)		Гумин-фулвик кислота: Берилган озукаларни фаол ўзлаштириб беради		
DALATE PLUS (Лямбдацигалотрин 10%)		Зарарли хасва ва бошқа зараркунандаларга қарши		





Birgalikda yetishtiramiz!



Бўжоро вилости "ФАЙЗ" ш/х. 100 центнер / г. 2019

Препарат номи	Кўллаш муддати	Мақсади	Ҳагижа
<b>Учинчи ишлов</b>			
<b>ТОР КРОП</b> (Тебуконазол + Промпиконазол)		Занг ва бошқа касалликларга қарши	<p><b>Фаллада</b> гектаридан <b>70-75 центнер</b> ҳосил олишга эришилади</p>
<b>ZEREBRA AGRO</b> (Коллоидли кумуш 0.5% асосидаги стимулятор)		Коллоидли кумуш: Маҳсулот сифатини яхшилайди, касалликларнинг олдини олади, стресс омилларига қарши чидамлилигини оширади	
<b>ENTOLUSHO</b> (Имидаклоприд)		Шира, трипс ва бошқа зараркунандаларга қарши	
<b>Тўртинчи ишлов</b>			
<b>ХОСИЛ 13-40-13</b> (НПК)		Ўсимликнинг азот, фосфор, калийга бўлган талабини қондиради	<p><b>Фаллада</b> гектаридан <b>100 центнер</b> ҳосил олишга эришилади</p>
<b>ЭНТОМИКРО</b> (Микроэлементли сўвда зрувчан ўғит)			
<b>Кўшимча тарзда</b>			
<b>IFO KALIYFOS</b> (Калий 25%, фосфор 10%)		Калий: Фалла донларининг оғирлигини оширади	<p><b>Фаллада</b> гектаридан <b>100 центнер</b> ҳосил олишга эришилади</p>
<b>IFO AMINOMAX</b> (Аминокислоталар 10%)		Аминокислота ва органик моддалар бошқа озуқаларнинг фаол ўзлашишини таъминлайди	

# ЯХШИ ДАМ – МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

PDF Compressor Free Version

Доимий анъанага кўра, ҳар йили экин-тикин мавсумидан сўнг “IFODA” компаниясининг ҳудудлардаги агрономлари, фаол иш олиб борган ходимлари учун қиш фаслида ҳордиқ таътили ташкил этилади. Бунда нафақат дам олиш, балки, етакчи агроном-мутахассислар тажрибасини оммалаштириш, уларнинг билим ва кўникмаларини янада ошириш мақсадида турли долзарб мавзуларда илмий-амалий семинар-тренинглар, ўқув машғулотилари ўтказилади. Бу каби мулоқотлар чоғида ходимларнинг йил давомидаги фаолияти таҳлил этилади, ўзаро тажриба алмашувлар, шунингдек, ҳар хил интеллектуал беллашувлар, спорт мусобақалари ташкил этилиб, маънавий ва маданий ҳордиқ олинади. Бу каби тадбирлар, албатта ходимларнинг келгусидаги иш фаолиятига, жамоа жипслиги ва умуман корпаратив муносабатлар ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Бу сафар ҳам Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги “Чотқол” дам олиш сиаҳатгоҳида ҳудди шундай тадбир ташкил этилди. Кунлик режа асосида олиб борилган даволаниш, муолажа жараёнлари, турли саёҳатлар барчага манзур бўлди. Айниқса, ходимлар ўртасида футбол, шахмат-шашка



ўйинлари бўйича мусобақалар ташкил этилгани куннинг мазмунли ўтишини таъминлади.

**Ғофур КИЧКЕНЕКОВ, Қорақалпоғистон Республикаси агрономи:**

–Дам олишлар зўр ўтди, ташкилотчиларга катта раҳмат. Компаниямизнинг мана шундай имкониятлари барчамизга жуда маъқул, биринчидан, ҳудудлардаги агроном касбдошлар билан янада ҳамжиҳат бўлиб ишлашимизга ёрдам беради. Шу баҳона бир-биримиздан ўрганамиз, тажриба алмашамиз. Бу жуда фойдали амалиёт. Қолаверса, бундай эътибор ва ғамхўрлик кучимизга куч, ғайрати-

мизга шижоат қўшишига ишонаман.

Албатта, ўзаро ўқув машғулотилари ҳам эсдан чиққани йўқ. Тажрибали мутахассислар В.Тошбулатова, М.Усмонов, А.Худойбердиев, турк агрономлари Женгиз Ялчин, Накис Хоконлар иштирокида семинар-тренинглар ўтказилди. Шунингдек, ҳудудлардаги агрономлар йил давомидаги камчиликлар, эришган ютуқлари ва бошқа масалаларни бир-бирларига айтиб, тажриба алмашишди. Бундан ташқари Ифода компанияси директори ўринбосари Фазлиддин Ибрагимов бошчилигида 2020 йилда қилинадиган ишлар ҳамда режалар ҳақида келишиб олинди.



**PDF Compressor Free Version**

MEXMASH


PDF Compressor Free Version

		МИНЕРАЛ ҮҒИТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХИ
		КУКУН ХОЛДАГИ ГЕРБИЦИД ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХИ
		ГЛИФОСАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХИ
		ТАЙЁР МАХСУЛОТЛАР ОМБОРИ
		ФУНГИЦИД ВА АКАРИЦИД ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХИ
		ГЕРБИЦИД ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХИ
		КУКУН ХОЛДАГИ ФУНГИЦИД ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХИ
		ОШХОНА
		ХОМ АШЁ ОМБОРИ
		МЕД.ПУНКТ



Shaqillaringiz uchun bizning maqsadimiz.  
Daxilida: [www.ifoda.uz](http://www.ifoda.uz)

Агрожурнал  
#2 | 01-02 • 2020  
[www.ifoda.uz/magazine](http://www.ifoda.uz/magazine)  
Наманган шаҳар,  
Оромгоҳ кўчаси, 27  
+998 78 147 05 00



Адади: 3 000  
Чоп этилган сана: 01-03-2020